



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 26-avgust • №35 (4122)



Сейтназаров Сарсенбай Ержанович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Сейтназаров Сарсенбай Ержанович — Тахтақўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Фарманов Александр Касимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очiq акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси — бош директори

Қосимов Хасанбой Хатамович — «GM O'zbekiston» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи, Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 23 август



Фарманов Александр Касимович



Қосимов Хасанбой Хатамович



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, «НИХОЛ»ЛАР!

Ёш нихолнинг тезроқ ўзини тутиб олиб, кўкка бўй чўзиши ва бакуват, серхосил даратга айланиши у экилган тупроққа ҳамда парваришга боғлиқ. Шу маънода юртимиз санъати нихолларининг Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиши

Гулсанам Мамазоитова, Самандар Ҳамроқулов, Дилноза Исмияминова, Лола Аҳмедова ва бошқалар «Нихол» мукофотиغا сазовор бўлдилар, улардан кўплари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

Музақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ўтган бу йилги «Нихол» танловида ўн мингдан ортиқ йигиткиз қатнашди. Яқиний босқичда қатнашган 137 нафар номзоддан 11 нафари голиб бўлди. «Истиклол» санъат саройида ана шу голибларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Байрамона безатилган сахна, иштироки ва томошабинларнинг кўтаринки кайфияти тадбирга



ўзгача руҳ ва файз бағишлади. Саҳнада «Нихол» совриндорлари кўринганда зал олқишлардан ларзага келди. Анъанавий ижро йўналишида Дилноза Акбарова (Тошкент вилояти), Шаҳзода Ҳасанова (Наманган вилояти), Рахшона Кўзиёва (Андижон вилояти), «Наво-соз» ансамбли (Тошкент шаҳри),

музыка ижрочилиги йўналишида Тамара Акбарова (Жиззах вилояти), Шерзод Шодиев (Навоий вилояти), Лочинбек Мўминов (Хоразм вилояти), эстрада санъати йўналишида Шаҳноза Отабоева (Тошкент шаҳри), Юлдуз Низомова (Самарқанд вилояти), Машҳурбек Раимжонов (Тошкент шаҳри), академик ижро йўналишида Отабек Маҳмудов (Фарғона вилояти) «Нихол» мукофоти билан тақдирландилар.

Истеъдодли ёшларга мукофотни юртимизнинг таниқли санъаткорлари Муножат Йўлчиева, Зулайхо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Абдулла Шомаруфов, Гийёс Бойтоев, Мақсет Утемуратов, «Сато» гуруҳи, Исmoil Жалилов, Дилноза Исмияминова, Хосила Раҳимова топширдилар. Шу куни концерт залида «Нихол»нинг янги совриндорлари ижросида янраган ҳар бир кўшиқ ва музыка миллий музыка санъатимиз анъаналарининг муносиб давомчилари катта сахнага дадил қадам қўйганидан далолат берди.

Гулчехра УМАРОВА

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ШУКУҲИ



Бугун Самарқандда халқаро мусиқа фестивали очилди

Регистон ҳар қачонгидан ўзгача кўрк ва салобат касб этган. Учта ноёб тарихий архитектура ёдгорликлари қуршовидаги бу майдонда кечқурун минглаб томошабинлар олқиши остида саккизинчи марта ўз ишини бошлаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали байроғи кўтарилди.

Регистонга фестивал қатнашчилари, муסיқашунос олимлар, дунёнинг элликлдан ортиқ мамлакатидан келган оммавий ахборот воситалари ходимлари ва санъат мухлислари йиғилади. Майдоннинг маҳобатли сахнаси фестивал қатнашчиларини «Шарқ тароналари» шукуҳи остида бирлаштиради.

«Бугун Ўзбекистонда мустақиллиқнинг 20 йиллиги муносабати билан кўплаб тадбирлар, учрашув ва фестиваллар бўлиб ўтапти, — дейди Олий Мажлис сенатори, академик Э.Ртвеладзе. — Булар орасида «Шарқ тароналари» фестивалининг алоҳида ўрни бор. Вақтинч уқурлигини қарангки, биринчи фестивал худди кеча бўлиб ўтганга ўхшайди. Ваҳоланки, орадан ўн тўрт йил ўтиб кетди.

Муסיқани жуда севаман, айниқса, шарқ оҳангларига меҳрим балинд. 1962 йили Тошкентга келганимда, атайин ўзбек куйлари ва мақомларини эшитиш, бетакрор рақсларни кўриш учун концертларга кўп борардим. Муסיқашунослар орасида дўстларим жуда кўп. Назаримда, археология ҳам муסיқа билан боғлиқдай, қазилмалар пайтида қадимий муסיқа асбоблари, хонанда-созандалар ва раққосалар қиёфалари акс этган кўплаб хайкалчалар, туркум хайкаллар, деворий ёзувлар топилди. Қадимий муסיқий анъаналарига эга бўлган, шашмақомдек мумтоз ашулаларни дунёга берган халққа катта санъат анжуманлари ярашади».

Давоми бешинчи саҳифада.

УЛУҒ БАЙРАМ ОСТАНАСИДА

Шу кунларда Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тантаналарига қизгин ҳозирлик қилинмоқда. Тантаналар ўтадиган майдон техник гуруҳ томонидан безатилиб, боғ атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Байрам шодийналарига тайёрларлик ҳақида тадбир бош режиссёри Рустам Ҳамидов шундай дейди:

— Истиклол тантанасини юртимизда яшовчи ҳар бир инсон орзиқиб кутди, ўзгача ҳаяжон билан томоша қилади. Йилдан-йилга байрам янгирача чирой касб этиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Аслида бу шодийналар юртимизда амалга ошган ўзгаришлар, турли содирларнинг юқори сабабидега ўтиши учун жонқуярлик билан меҳнат қилмоқда.

Томоша вақтида ўтган 20 йил ичида мамлакатимизда юз берган муҳим воқеалар, бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи видеолавларни бериш режалаштирилган. Байрамда «Ўзбекистон», «Сабо», «Офарин» каби машҳур ансамбллар, шунингдек, мамлакатимизнинг турли жойларидан келган бадий жамоалар қатнашади. Юртимиздаги бирорта байрам болалар иштирокида ўтмайди. Томошабинлар таниқли эстрада хонандалари, санъатимиз юлдузлари билан бир қаторда, «Томоша», «Тантана», «Севинч», «Булбулча» болалар жамоалари ижросидаги шодон кўшиқ ва рақслардан баҳраманд бўладилар.

Назокат АХМЕДОВА
ёзиб олди

Кутубонам!

Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз арафасида Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотланганлар сафида тахририятимизнинг санъат бўлими мудир Гулчехра Файзиёва ҳам бор. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланди. Кўп сонли муштарийларимиз ва тахририят ходимлари номидан ҳамкасбимизни юксак мукофот билан қўтаймиз ва унга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.



Тахририят.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САЊЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, миллий гоiani ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижод, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртага муҳаббат, истиклол гоияларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЊЪАТ АРБОБИ»
Норхўжаев Надим Қодирович — Ўзбекистон давлат консерваторияси эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси мудир, композитор
Фулмонов Нажмиддин — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-оператори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»
Абдуллаев Етмишбой Курбонназарович — Хоразм вилояти, Янгиерик тумани Остона кишлоқ маданият уйи бадий раҳбари, бахши

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»
Аюпов Шавкат Абдуллаевич — ЎзФА Математика ва информатсион технологиялар институти директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҒИЗУВЧИСИ»
Мусаёнов Фарҳод — Ўзбекистон Ғизувчилар уюшмаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»
Иброҳимова Малика Маликовна — Ўзбек миллий академик драма театри актриси
Йўлчиев Шамси Жуманазарович — Бухоро вилоят муסיқали драма театри актриси
Мансурхўжаева Саида Сайдирасуловна — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»
Раҳматуллаев Анвар Аброрович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хайкалтарош
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»
Валиев Қаҳрамон Каримович — Халқ санъати усталари «Устозода» унитар корхонаси ёёоч ўймаkori

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

1.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2011 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2.Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2011 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг иктымий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
фан ва техника соҳасида
— Абдумавлян Абдуллаевич Абдуллаев, Жўра Азимбаевич Мусаев, София Мамедовна Ризаева, Валентина Павловна Клягта — «Ғуза генофонди» пахтачиликдаги фундаментал, амалий тадқиқотларнинг базиси ва истиқболли ривожининг асоси» тадқиқоти учун;
адабиёт соҳасида
— Ҳабибулла Сайдуллаев (Ҳабиб Саъдулла)га (марҳум) — «Танланган асарлар» ва «Истиклол достони» китоблари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида
— Азамат Раизитдинович Тохтаев, Илхом Жаббаров, Рустам Шанаметович Ерметовга — Тошкент шаҳрида барпо этилган «Мустақиллик ва эзуғлик монументи» ва «Эзуғлик аркаси» мажмуаларида амалга оширилган меъморий ва монументал санъат йўналишидаги ишлари учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида
— Мираҳмад Пулатович Унусов, Тухтамурод Алимович Раҳимжонов, Хотам Анварович Сайдахмедовга — «Газ ва нефтни қайта ишлаш жараёнлари учун маҳаллий катализаторлар технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» технологияси учун;
адабиёт соҳасида
— Носир Йўлдошев Фозиловга — «Топдим у йўқотмадим» китоби учун;
санъат ва меъморчилик соҳасида
— Акмал Ваҳобжонович Нуриддинов (Акмал Нур)га — «Аҳли дил» асарлар туркуми учун;
— Владимир Иванович Бурмакинга — рангтасвир асарлар тўплами («Шердорнинг намоен бўлиши», «Шарқона шаҳар», «Тунги Самарқанд», Ўзбекистон Республикаси Сенати биноси ва Тошкент аэропортидаги монументал рангтасвир асарлари) учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2011 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ,
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА
ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич биринчи саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ**Ёқубова Дилдора Муродовна** — Ўзбекистон ашула ва рақс ансамбли рақосаси**Коробоев Саъдулла Улмасович** — Қашқадарё вилоят мусикали драма театри актёри**Васильев Олег Анатольевич** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри**Носирова Гулчехра Ҳакимовна** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри актёри**Отемуратов Махсатбай Кеунимжаевич** — «Айқулаш жулдузлари» қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли раҳбари, хонанда**Ҳамроқулов Ойбек Нуриддинович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси**Ҳўжаев Фатхулла Убайевич** — Республика кўғирчоқ театри актёри**Хусанова Хосиятхон Эргашевна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри**Қодирова Муруватхон Гаппоровна** — Андижон вилояти ёшлар театри актёриЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ЁШЛАР МУРАББИЙИ**Жумабоев Саттор Аҳубтаевич** — Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси**Курбонов Баҳром Тўхтаевич** — Р.Глиэр номидаги республика махсус мусика академик лицейи директори**Ҳасанов Аҳаджон Аҳмеджонович** — Тошкент ислом университетининг диншунослик ва жаҳон динлари кафедраси профессориЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
ЖУРНАЛИСТ**Абдуқолиқов Фирдавс Фридунович** — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси**Асқарова Муаттар Асқаровна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти сийёсий шарҳловчиси**Даулетмуратов Каримбай Толибаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Ижтимоий-сийёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари**Жўраев Раъшан Эргашевич** — «Узрпорт» ахборот агентлиги директори**Мўминов Асрорбек** — «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудир**Кутбидинов Абдували Абдумўминович** — «Халқ сўзи» газетаси шарҳловчисиЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
МАДАНИЯТ ХОДИМИ**Айбатов Ирзамурат Маткеримович** — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри бош режиссёри**Жўраев Маматкул** — ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудир**Эргашева Жамила Жовлиевна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи**Маждидов Абдурашид Мавлонович** — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти етакчи муҳаррири**Мирзаева Муборак Ғайратовна** — «Сабо» миллий рақс ансамбли бадий раҳбари**Нурматов Мусо Ҳамидович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси етакчи мутахассиси, бастакор**Рустамова Дилдора Насриевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали директори**Файзиёва Гулчехра Содиковна** — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси санъат бўлими мудир**Ҳайитов Тўлқин Мингбоевич** — «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири**Хўшақтов Эркин Болтаевич** — Ўзбек миллий академик драма театри бош режиссёр ёрдამчиси, драматургЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚ-
НИ САҚЛАШ ХОДИМИ**Аҳмедова Нилуфар Жалиловна** — Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-Марказий клиник шифохонаси бош шифокори**Дягилев Валерий Анатольевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали токсикология ва гемодиализ бўлими мудир**Шарипова Мадина Каримовна** — Республика «Она ва бола» скрининг маркази директориЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
СПОРТ УСТОЗИ**Евстафеев Алексей Владимирович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси бош мураббийи**Штурбабин Андрей Анатольевич** — Яккама-якка кураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийиЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ**Қосимжонов Рустам Машрукович** — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси**Тарасова Юлия Александровна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси**Тўйчиев Владимир Мануэльевич** — Велоспорт бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси**Чориев Дилшод Қобилмухаммадович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзосиЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ХОДИМИ**Мўминова Дурнисахон Комилжоновна** — Андижон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» директори«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна** — Академик ва халқ бадий жамоалар дирекцияси яқкаҳон хонандаси**Раззоқова Муяссар Қодировна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**Абдуллаева Яйра Умаровна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри**Бойхонова Зулайхо Мамажоновна** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри артисти**Иброҳимова Рихсихон Исмоиловна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри«ФИДОКОРОНА
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН**Искандаров Эргаш Рўзиқулович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилоят филиали бош шифокори**Обиджонов Анваржон (Анвар Обиджон)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир**Саъдуллаев Шомансур Шоҳсаидович** — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти директори**Саидқосимов Пўлат** — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр«МЕҲНАТ ШУХРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**Арқаев Иноят Каримович** — Самарқанд вилояти, Қўшрабат туманидаги «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудир**Асетова Сарбике Алеуовна** — Қорақалпоғистон Республикаси,**Қанликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси****Акилов Фарҳод Атауллаевич** — Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори**Бобоев Тўлқин Арифович** — ЎзФА Биокимё институти етакчи илмий ходими**Иброҳимов Шухратжон Икромжонович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Ахборот» информацион дастурлар муҳарририяти масъул эфирга узатувчиси**Икрамов Алишер Каримович** — Бадий жамоалар ижодий бирлашмасининг Миллий эстрада оркестри бадий раҳбари**Исабоев Зикрилла** — ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти катта илмий ходими**Исмоилова Коммуна** — Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси**Йўлдошев Орифжон Йўлдош ўғли** — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри**Комилов Эркинбой** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри**Кўчимова Дилором Ғаниевна** — Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**Мирзаев Саъдулла Зиёдович** — Самарқанд давлат университети профессори**Мусаев Аҳмаджон Расулович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар миллий терма жамоаси катта мураббийи**Норматов Умарали** — Ўзбекистон Миллий университети жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори**Нурбоев Нуриддин Эргашевич** — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси**Содиқов Марат** — Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом**Султонов Искандар Алмасович** — Самарқанд вилоят мусикали драма театри бош режиссёри**Тоғаева Садаф Ҳасановна** — Навоий вилояти, Қонимех туманидаги «Чордара» қишлоқ врачлик пункти мудир**Умарбеков Жавлат Юсупович (Жавлон Умарбеков)** — Камолдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, маҳабатли рангтасвирчи рассом**Ҳотамов Одилкул** — Навоий вилояти, «Кармана овози» газетаси масъул котиби**Ҳўжабердиев Мамаюсуф Бозорович** — Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 81-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси**Шермухамедов Ғиёс Тоҳирович** — Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, режиссёр**Эшқобилов Холикул Қаршиевич** — Қарши муҳандислик-иқтисодий институти нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш кафедраси доценти**Юсупова Дилором Юнусовна** — ЎзФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими**Қамаров Тоҳиддин** — Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот гуруҳи раҳбари, журналистI ДАРАЖАЛИ
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН**Тўхтаназарова Гулнора Маҳмадқонова** — Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокориII ДАРАЖАЛИ
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН**Абулқосимова Зухра Пирназаровна** — Республика жисмоний даволаш диспансерининг врач-терапевти**Абуносова Розия Тўраевна** — Бухоро вилояти, Пешку туманидаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича бош мураббийи**Алиев Маҳмуджон Муслимович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси профессори**Алимова Холида Рауфовна** — Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори**Бутко Ирина Анатольевна** — Навоий шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гимнастика бўйича мураббийи**Ғозиев Нуриддин Рухиддинович** — Наманган давлат университети жисмоний тарбия ва маданият факультети декани ўринбосари**Жўрабоев Фотима Шухратовна** — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли балетмейстери**Зиёмухамедова Зухра Шухратовна** — Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази қошидаги «Тантана» ашула ва рақс ансамбли балетмейстери**Рафикова Ҳақима Абдувосиевна** — Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг катта илмий ходими**Қорачаева Минавар Абдуназаровна** — Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Қақир» қишлоқ врачлик пункти мудир«ДУСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**Абрамов Вадим Карленович** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи**Аведурдиев Орун Курбоневич** — Тошкент шаҳар туркман миллий маданий маркази раиси**Акрамов Акмал Маҳмудович** — Тошкент «Оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири**Алиева Жамила Фатхуллаевна** — Зангиота тумани маийш хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи директори**Асланова Елена Юрьевна** — Самарқанд шаҳридаги 4-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг катта мураббийи**Бобониезов Азимбой Йўлдошев** — Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири**Баймурзина Раиса Абдулхаевна** — Тошкент шаҳридаги татар ва бошқирд «Дустлик» бадий жамоаси бадий раҳбари**Жалилова Клара Алиматовна** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, пенсионер**Ишов Жўракул Очилович** — Навоий вилоят телерадиокомпанияси режиссёри**Қосимов Собиржон Олимович** — «Усто» уюшмаси таркибидagi «Илҳом париси» масъулияти чекланган жамияти нақшош устаси**Матчанов Матякуб Саъдуллаевич** — Ўзбек давлат драма театри актёри**Орипова Нодира Камоловна** — Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом**Пешерова Ольга Петровна** — Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқитувчиси**Раҳматуллаев Марат Алимович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бўлим мудир**Раҳмонов Жўрнат Собирович** — Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом**Реутова Марина Архадьевна** — ЎзФА Самарқанд бўлимининг Археология институти лабораторияси мудир**Смирнов Виталий Фрильевич** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон ёшлар миллий терма жамоасининг катта мураббийи**Султонов Николай Турсунович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Самарқанд вилоят кўғирчоқ театри бош рассоми**Улуғов Абдулла Ўзбекович** — Ўзбекистон Миллий университети доценти, адабиётшунос**Усмонова Умида Ғафуровна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Перспектив телелойихалар студияси катта муҳаррири**Ҳайдаров Тоҳир Расулович** — «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, мини-атюрачи рассом-куллол**Ҳамроева Муқаддас Шукуровна** — Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-невропатологи**Хромова Галина Алексеевна** — Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг электр транспорти кафедраси профессори**Шомаърупов Абдулла Набиевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси**Шарипова Гулчехра Тоштемировна** — Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси Давлат хор капелласи артисти**Шопен Юлиана Юрьевна** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўқув адабиётлари таҳририяти етакчи муҳаррири«ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**Мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**«ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**Абдуназарова Захро Абдинабиевна** — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси**Абдурахмонова Саодат Маҳмудовна** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма қолип тайёрлаш цехи монтажчиси**Авезова Ҳалима Абдуллаевна** — Хоразм вилояти, Хива туманидаги «Беруний» қишлоқ врачлик пункти мудир**Аитова Мардона Бекназаровна** — Хоразм вилояти «Урганч» олий таълим захиралари коллежининг стол теннис бўйича мураббийи**Айназарова Гулбахор Раззоқовна** — Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори**Артиков Абдуманнон Анварович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази таъвир монтаж гуруҳи бошлиғи**Артиков Турдали Усмоналиевич** — ЎзФА Сейсмология институти лаборатория мудир**Аҳмаджонов Латипжон** — «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, тўқувчи хунарманд**Боймуродова Санобар Ботировна** — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири**Баратова Сайёра Раҳматовна** — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудир**Ғоппов Жамшид Тўлаганович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакор уста**Ғаниев Абдувоҳид Абдулҳакимович** — Ёшлар тажриба ижодий «5-студия» си кинооператори**Жанахметов Серижан** — Навоий вилояти, Учқудук шаҳар «Замондош» маданият саройи хонандаси**Зикиров Қодиржон Юнусович** — Болалар спортини ривожлантириш жамағатининг Андижон вилояти филиали Булоқбоши тумани бўйича бош мутахассис-вакили**Исоқулов Тўлқин Ўролович** — 1-Республика клиник шифохонасининг жаррохлик бўлими мудир**Қазачкова Татьяна Павловна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси китоблар мажмуаси муқовалаш цехи муқоваловчиси**Комилова Ибодат Ортиқовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг техник хизмат кўрсатиш бошқармаси етакчи муҳандиси**Қамолтур Турсун Набиқўжаевич** — «Жиззах ҳақиқати» — «Джизакская правда» газеталари бўлим мудир**Қим Денис Георгиевич** — Фарғона вилояти, Қўқон темирйўл касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси**Қиришова Ирина Владимировна** — Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси**Қомиллов Остонакул Одилович** — Қашқадарё вилояти кўзи оғизлар кутубхонаси бўлим мудир**Қочев Герасим Игоревич** — Байдарка ва каноэда эшак эшиш**Ўзбекистон Республикаси Президентининг****Тошкент шаҳри,****2011 йил 24 август****бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси****Курбонов Садриддин Самиевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси медиамаркази директори ўринбосари**Маъдиев Довуд Каромович** — «Ишонч» — «Ишонч-Доверие» газеталари бош муҳаррири ўринбосари**Маждидов Шерали Сирохович** — Болалар спортини ривожлантириш жамағатининг Жиззах вилояти филиали Дўстлик тумани бўйича бош мутахассис-вакили**Матқурбонов Махсадбой Камолович** — Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоқ клуби мудир**Мирбеков Серик Абдувалиевич** — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси**Муродова Жамила Эшмирзаевна** — Жиззах вилояти, Арнасой тумани тиббиёт

Регина ПОЗНЕР-ДОРОНКИНА

ОНАМСАН, КЎЗ ОЧИБ МЕН СЕНИ КЎРДИМ



ЮРТИМ

Ассалом Она ер, ассалом Ватан!
Ўзимнинг уйимга қайтдим соғ-омон!
Дастурхон ёздилар, таъзим қиламан,
Юртимнинг юраги каби иссиқ нон...

Меҳмон билан ҳовли бўлади обод,
Кўшпек нон ҳиди таралар хушбўй.
Кўзни қамаштирар билтурдек новвот,
Бахт ато этади хонадонга тўй.

Сепкилли қиз юзи каби қирмизи
Седана сепилган қатлама сомса.
Бир ёқимли овоз келар — “жиз-биз”и,
Қизиган қозонга ботмон мой томса...

Ўчоқда гуриллаб ёнади олов,
Оғзидан буг пуркаб қайнайди қозон.
Гумбаз каби хирмон тилларанг палов,
Қора товук каби қаққиллар кумгон.

Оппоқ пахта гулли чойнак-пие́ла,
Бол каби ёқимли қаҳрабо кўк чой.
Фалакка чиққандек ҳилол қиёлаб,
Пие́ла тубидан кўринади ой.

Ўз уйим! Ўз ҳовлим! Ўзимнинг юртим!
Гўзал Тошкентимсан, жонажон шахрим!

Онамсан, кўз очиб мен сени кўрдим,
Дарё каби жўшди юракла меҳрим.

СЕВГИ

Севги тўғрисида сўйлар эдим кам,
Юракка эрк бермас эдим ҳеч қачон.
Шамдай эриб борар умрим, ўйласам —
Ўз бахтимни ўзим қилибман қурбон.

Гулларнинг ифори айласин сармаст,
Саркаш дарё мисол жўшсин эҳтирос.
Беғубор сеवгига бўлайин пайваст,
Юрак сирларидан сўйлай фақат роз.

Оҳ сеvgи ихрори! Тингласам хумор!
Рухимни, жисмиمنى ёндирар калом.
Тоғ чашмаси каби дилимда икром,
Қайнайди, жўшади, бўлмайти тамом.

Дунё, ҳаёт завқи ёқар жонимга,
Беҳуда узлатга чекиниб неттум.
Қадримга еттувчи меҳрибонимга
Жон деб юрагимни бахшида эттум.

ОНАМ КАБИ

Улғайсанг онамдек бўласан, қизим,
Мағурсан, кучлисан, сирли, таъсирли.
Онамдек бўласан, ойим, юлдузим,
Кўзларинг оловдек, юзларинг нурли.

Улғайсанг онамдек бўласан, эркам,
Онамдек қаттиққўл, мунис, меҳрибон,
Онам каби кўрқмас, довоирак, ўктам,
Онамдек серғайрат, тиришқоқ, чаққон.

Улғайсанг онамдек бўласан, жоним,
Худди онам каби гўзал, фусункор.
Омадли бўласан бегойим, жоним,
Онамдек бўласан албат бахтиёр.

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

Абдуғани АБДУРАҲМОН



МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

Мустақиллик ўзи нима,
Нима ўзи Истиқлол?
— Озод ва ҳур янаш демак,
Ўз юртингда бемалоол.

Қўлга олдик эркимизни,
Ҳеч ким қилмас монельник.
У туфайли дунё бизни,
Биз дунёни танидик.

Жаҳонга юз тутдик рўй-рост,
Биз ҳеч кимдан эмас кам.
Ўзига хос, ўзига мос
Тавлаган йўлимиз ҳам.

Валий зотлар авлодимиз,
Фахр этмакка ҳақлимиз.
Ҳаномларга чўкмаган тиз
Матонатли халқимиз.

Юрагинга айла муҳр,
Теран англа, яхши уқ.
Мустақиллик — бу ҳур фикр,
Мустақиллик — бу ҳуқуқ.

Мен мусаввир бўлмасам ҳам ҳеч
Рағзин олам ичра кезардим.
Қалб дафтари қатига ҳар кеч
Сенинг сувратингни чизардим.

Наққошлиқдан анча нарида
Бўлсам ҳамки меҳримни кўйиб,
Юрагимнинг деворларига
Сенинг номинг ёзардим ўйиб.

Шундан бўён ўтди кўп замон,
Йиллар биздан кетсинлар рози.
Аммо дилда сақланар ҳамон
Ўша суврат ва ўша ёзув.

УЛУҒ КУН

Илк тамал тошингни кўйганлар ҳаққи,
Шайху шавкатим деб сўйганлар ҳаққи,
Хурликнинг бол таъмин тўйганлар ҳаққи,
Бир дилдор сўз излаб бедорман, Ватан!

Жони жон юртига фидолар ҳаққи,
Улуғлар кўл очган дуолар ҳаққи,
Эл бошига қўнган Хумолар ҳаққи,
Аввал бир бор эдим, минг борман, Ватан!

Меҳрини онамдай гул қилиб эккан,
Отамдай тошганин ўртага тўккан,
Мардлари ор учун жонини тиккан...
Илдизи минг қулоч чинорман, Ватан!

Ғаюрлар бўғзида ҳамон чўғ, ёпиш...
Пайт пойлаб, санчмоққа қайбар турар иш...

Мен эса баралла қилурман хонинг:
Тенгсиз қудратинга икроман, Ватан!

Не улуг кун бу кун? Уфқда оқ нур...
Оқ отда элим деб мард ўғлон келур.
Шахду шиддатига Темур уйғонур!
Мен шундай толеъга чин ёнман, Ватан!

Муҳаббат мерослар Момо ҳаволаи.
Ишқ сўраб ўтиндим қолди Худодаи:
Жудо айламагил шу юрт — маъволаи...
Қанча севсам шунча хуморман, Ватан!

Элим деб бағри минг қуюгим ўзинг,
Эртаси улугвор, буюгим ўзинг.
Ҳаммадан, ҳаммадан суюгим ўзинг...
Буюр, хизматинга тайёрман, Ватан!

Зарифа ЭРАЛИЕВА

ЁШЛАР ДАВРАСИ

“Ёшлик — зангор фасл” деган эди шоир.
Ҳақиқатан ҳам ёшликнинг мўъжизалари бисёр,
Хайратлари кўп. Ёшларнинг ҳар лаҳзаси серғайрат,
ҳаяжонли кечади. Ёзининг иссиқ кунларида
Дўрмон ижод уйи ёш ижодкорлар билан
гавжум. Ёшликда берган кўнгили айрилмас,
деганларидек, бугун навқирон ижодкорларнинг
кўнгли адабиётда, устозлардан бадий ижод сирларини
ўрганишда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида
ташқил этилган “Буюк ва муқаддас юрт фарзандларимиз”
шоир остидаги ёш ижодкорлар анжуманлари
ғоят кизгин давом этмоқда.

12-13 август кунлари Дўрмон ижод уйида фарғоналик ёш ижодкорлар устозлар сўхбатидан баҳараманд бўлдилар. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов,
халқ шоирлиги Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо,
шоирлар Азим Суюн, Фарида Афрўз,
адабиётшунослар Иброҳим Фафуров,
Қозоқбой Йўлдошев,
Шухрат Ризаев даврасида ўтган тадбир ёш ижодкорлар қалбида катта таассурот қолдирди. Тадбир қатнашчилари ижодий гуруҳларга бўлиниб,
устозлардан адабиёт сабоқларини олишди.
Анжуман иштирокчилари Мустақиллик майдони,
“Шаҳидлар хотираси хиёбони” ва Тошкент шаҳрининг бошқа диққатга сазовор жойлари,
пойтахтнинг янги меъморий иншоотлари билан танишдилар.

Аммо шеърларини чарқлаб беринг, деб ўттиб бораман Чархий домлага.
Рухимни ниҳолдек асрашди улар,
Шамолдан тўсишди бўғиқ овозим.
Уларга муносиб фақат дуолар,
Хурсанд қилолмайман нимадир ёзиб.
Ажабки, гўр шеърлар тўқийман ҳамон
Қайсиюр “Отел”нинг хосхонасида.
Ахир бу юришда етман қачон
Ҳазрат Хувайдонинг остонасига?
Мени маъзур тутинг, фарғоналиклар,
Бир сўз товоилмасм кўнглингизга мос.
Мен буни ҳар қандай шеъримни чекалаб,
Пирларни зиёрат қиламан, холос.

Устозлар ва шогирдлар

Аммо шеърларини чарқлаб беринг, деб ўттиб бораман Чархий домлага.

Рухимни ниҳолдек асрашди улар,
Шамолдан тўсишди бўғиқ овозим.
Уларга муносиб фақат дуолар,
Хурсанд қилолмайман нимадир ёзиб.

Аммо шеърларини чарқлаб беринг, деб ўттиб бораман Чархий домлага.

Рухимни ниҳолдек асрашди улар,
Шамолдан тўсишди бўғиқ овозим.
Уларга муносиб фақат дуолар,
Хурсанд қилолмайман нимадир ёзиб.

Ажабки, гўр шеърлар тўқийман ҳамон
Қайсиюр “Отел”нинг хосхонасида.
Ахир бу юришда етман қачон
Ҳазрат Хувайдонинг остонасига?

Мени маъзур тутинг, фарғоналиклар,
Бир сўз товоилмасм кўнглингизга мос.
Мен буни ҳар қандай шеъримни чекалаб,
Пирларни зиёрат қиламан, холос.

Носиржон Жўраев



Оппоқ кабутарлар қанотларини кенг ёзиб мовий осмон бўйлаб парвоз этишмоқда. Отанамнинг эслашларича, мен дунёга келишимдан олдин самодда фақат қора қаргалар кезган экан. Мен уларнинг нима деб қағиллаганларини китоблардан ўқидим, боболаримдан эшитдим, бадий филмларда кўрдим. Улар бир-бирларига тинмай “Маърифатини, тилини йўқотсак, миллат бизники бўлади”, дея қағиллаганини англай олдим, холос. Уша қаргаларни кўраганимга, юракни титроққа солувчи қағиллашларни эшитмаганимга шукроналар айтаман.

Онамнинг айтишларига қараганда, мени илк бора бешикка беланганларидан, яъни Мустақилликнинг биринчи йили, бир дона оқ кабутар аввал дераза рафига, сўнгра бешигимга келиб қўнган экан. Кейин улар икита бўлибди. Ақлимни таний бошлаганимда оппоқ кабутарлар учта эди. Улар мен билан қувлашмачоқ ўйнар, дарахта қўниб, мени имлаб ёнларига чорлар эди. Ёшим улғайган сайин Эски шаҳардаги кичкина ховлимизда кабутарлар кўпайиб борарди. Мактабга илк бора кадам қўйганимда елкамга қўниб олган еттита оқ кабутар менга ҳамроҳ эди. Сўнгра кабутарларим 12 та, 17 та, 19 та бўлди. Бугун эса, олдимга йигирмата оппоқ кабутар келиб, улар билан бирга парвоз этишимни сўрашди.

Мана, бир вақтлар қаргаларнинг дастидан ажодларимиз қаролмаган кўм-кўк, беғубор, кенг осмонга кўтарилдик. Ҳа, биз кўтарилдик: мен ва йигирмата оппоқ кабутар. Юқорида — овчилар ўқидан, қарғаю кузгунлар ҳамласидан хавотир олмай парвоз этиш нақадар завқли. Дастлаб кўзимиз бир аёлга тушди. Бошлари эгик, кам уни шу қадар адо қилган эдики, кўзларидан ёш ҳам қурибди. У она эди. У Ватан эди. Аммо қаргалар унинг фарзандларини бир замонлар ўз емига айлантган эди. Шу сабабдан у мо-

тамсаро эди. Сўнгра у бизга бутун оналар номидан уруш ҳақида, Ватан дея урган юраклардан отилган қонлар ҳақида, Ватан тупроғига тўкилган ёшлар ҳақида ва у ёшлардан чанқоғини босган қаргалар ҳақида гапириб берди. Сўхбатимиз тугагач, фарзандларига тилагани каби бизларга ҳам оқ йўл тилади.

Биз яна самога кўтарилиб парвоз эта бошладик, гўзалликларга махлиё бўлганча узоқ учдик. Сўнгра чанқоғимизни босиш учун Амударё лабига кўндик. Дарё тўлкинларининг рақси билан дилимизни хушнуд айлағач, узоқ ўттирдан — Чингизхоннинг гурурини синдириган ажодимиз Жалолиддин Манғубердидан сўзлаб берди: “Чингизхон юртимизни махв этаётган бир вақтда аланга олаётган бир чўғ мисоли Жалолиддин у билан курашди. Сўнги чорада душманнинг қўлида жон беришдан кўра ўзини менинг бағримга — ўз Ватанининг дарёсига отди. Шунда Чингизхоннинг кўзидagi ўқиничи кўрсангиз эди. Ҳатто у аёнларига ҳамма ўғилларини биргина Жалолиддинга алмашишини айтди”.

Амударё шижоат-ла тўлкинларини гапирарди. У бизга Хивага ҳам қўниб ўтишимизни маслаҳат берди. Дарё билан хайрлашгач, Хивага бориб кўндик. Сайёҳларга мезбонлик қилаётган обидаларнинг бир вақтлар гўёки дол бўлган қадди алифдек турарди. Бу обидалар салобатла ўзларига меҳр билан тикилган нигоҳларни кузатар, хайратдан ураётган юракларни эшиттарди. Бу юрт тупроғи Хоразмий, Замашарий, Беруний, Пахлавон Маҳмуд каби мутафаккирларнинг изларини энди беҳавотир асрай оларди.

Сўнгра бизга қулочини ёзиб турган Бухорои шариф осмонидан парвоз қилдик. Мен ва йигирмата оппоқ кабутар Минорми Калонга кўндик. Бу азим шаҳарни ҳам бир вақтлар қар-

галар макон қилган эди. Энди Бухоро боғларида товуслар хиром айлаб кезиб юришибди. Улар олдинлари кўрсатишдан кўрққан, минг хил рангда товланадиган патларини эркин ёйиб инсонларга завқ бағишлашарди. Қувонганимиздан Чор Минор ораларида ўқ овозидан хавфсирамасдан бир-биримизни қувлай бошладик.

Бир вақтлар одамлар шу Ватанда орзулари учун отилганди. Энди эса уларнинг буюк орзулари учун уйлар қуриб берилмоқда. Тиббиёт илмининг

нинг эзгу ишларига ривож тилаб дуолар қилишмоқда. Бундай ўзгаришларни кўргач, биз йигирмата оқ кабутар янада баландроқ парвоз этиб, Самарқандга йўл олдик. Парвоз этар эканмиз бир вақтлар Буюк Ипак Йўли бўлган бу йўлларнинг замонавий трассаларга айланганини кўрдик, туялар қарвонлари ўрнини босган автоқарвонларни кўрдик. Ватанимизнинг янада тараққий этиши учун бу йўллар орқали бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатилмоқда.

Шу зайдда сўхбату хайратини ила Самарқандга келганимизни сезмай қолибмиз. Бу вақтда тун ўз кўрпасини тўшаган бўлиб, ўзгача шукўх бахш этаётганди. Бу туннинг бағрида юлдузлар порлар, ой ёруғ нур сочар эди. Мирзо Улуғбек бобомиз нигоҳларига гувоҳ бу юлдузлар ажодларимизнинг милтиллаб турган кўз ёшларига, секин кўзёшларига айланган эди. Ана шу ою юлдузлар ёруғи остида Самарқанд-

нинг чиройига мафтун бўлиб томоша қилиб юганимизда беихтиёр вужудимиз қандайдир оҳанг таъсирида тебрана бошладик. Оҳанрабодек ўзига тортаётган бу куй янграётган жойга кўнганимизни сезмай ҳам қолибмиз. Кейин билсак “Шарқ тароналари фестивали”нинг устидан чиқибмиз. Бир вақтлар фақатгина қағиллашлар янграган замонда Шарқ халқлари ўз тарихлари билан, ажодлари билан мактанишга ожиз эдилар. Ҳозир эса ўз санъатлари орқали бир-бирлари билан сўхбат қилишмоқда, баралла куйлашмоқда. Сўнгра мен ва йигирмата оппоқ кабутар яна парвозга шайландик.

Юқорига кўтарилар эканмиз озод Ватанимизнинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, қанотларимизни кенг ёзиб эркин парвоз этардик. Булутларга Алпомишу Гўрўғиллари, Барчиношу Юнус, Мишқол парилари, Ҳасанхону Авазонлари, Тумарису Широқлари ҳақидаги достонларини айтиб тугатолмаётган тоғлардан униб ўтдик. Энди бу мағрур тоғларнинг бағридан инсонларнинг қонидан сугорилган лолалар эмас, одамларнинг бир-бирига, Ватанига бўлган муҳаббатидан ранг олган лолалар униб чиққан эди. Шамол ҳам тинмай озодликни куйлар, энди Ўзбекистон мустақил юрт



эканлигини айтиб, бутун дунёга жар солишни истарди. У ҳурсанглигидан ўзбек қизларининг сочларини силаб эркалар, сўнгра дарахтларнинг олдига бориб, шукроналар айтиб унинг бағрларидан тасбеҳ ўғирарди. Мана, биз йигирмата оқ кабутар пойтахтимиз — Тошкент осмонидамиз. Кўзимиз дастлаб буюк бобоклонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг муаззам ҳайкалига тушди, кўнглимиз гўрр ва ифтихордан тоғдай юксалди. Бир-биридан гўзал бинолар қад ростлаб турибди. Уларнинг бири ўтмиши-нинг ўзида жамлаган Ўзбекистон тарихи музейи, яна бири Миллий театр биноси, бекиёс улугворлик акс этиб тургани эса Анжуманлар саройи эди. Шунда бир оз пастрлаб бир бинонинг бошига қўниб атрофни кузата бошладик. Бу бино замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган, юртимиздаги ўн мингга яқин мактабларнинг бири эди. Шун пайт кўнгирак чалинди-ю орқаларига портфел орқаларига келажак вакиллари даврасида мазкур ижодий гуруҳ иштирокида бўлиб ўтаётган ижодий учрашувлар ҳам ўзаро мулоқот, савол-жавоблар, шунингдек,

байрам руҳидаги куй-қўшиқларга бой бўлмоқда. Ғузур ва Қарши туманларида бўлиб ўтган байрам тантаналари туман марказларидаги спорт ўйингоҳларида ташқил этилди. “Шўртан” футбол клубининг Ғузурдаги муқташам стадионидан бўлиб ўтган тантанани Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов тадбир иштирокчиларини мустақиллик байрамимиз билан самимий қутлаб, “Истиқлол манзаралари” достонидан шеърлар ўқиб берди. Шоирлар Исмоил Тўхтамишев, Хол Мухаммад Хасан ва бошқа адибу санъаткорларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

байрам ҳамда қизиқ хангома ва латифаларни ҳам катта қизиқиш билан қутиб олдилар. Хушовоз хонанда Аслиддин Дўстов ижросидаги она-Ватанни, муҳаббат ва меҳр-охибатни улугворчи қўшиқлар барчага манзур бўлди. Касби, Миришкор ва Нишон туманлари маҳаллалари, касб-хунар коллежлари, шунингдек, тиббиёт-санитария бирлашмалари, фермерлар, муаллимлар, қишлоқ зиёлилари даврасида мазкур ижодий гуруҳ иштирокида бўлиб ўтаётган ижодий учрашувлар ҳам ўзаро мулоқот, савол-жавоблар, шунингдек, байрам руҳидаги куй-қўшиқларга бой бўлмоқда. Ғузур ва Қарши туманларида бўлиб ўтган байрам тантаналари туман марказларидаги спорт ўйингоҳларида ташқил этилди. “Шўртан” футбол клубининг Ғузурдаги муқташам стадионидан бўлиб ўтган тантанани Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов тадбир иштирокчиларини мустақиллик байрамимиз билан самимий қутлаб, “Истиқлол манзаралари” достонидан шеърлар ўқиб берди. Шоирлар Исмоил Тўхтамишев, Хол Мухаммад Хасан ва бошқа адибу санъаткорларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

ЙИГИРМАТА ОППОҚ КАБУТАР

султони Абу Али ибн Синоларни, ҳадислар дурини тузган Имом Бухорийларни менинг аждодим дея айта олмаган бу юрт фарзандлари, бугун уларнинг обод этилган қадимжоларини зиёрат қилишмоқда. Бир пайтлар қаргалар дастидан намозлар ўқилмаган, Қуръон тиловат қила олинмаган. Энди эса пиру бадавлат отахонлар масжидларда юртимизга тинчлик, дастурхонимизга хайру баракка, Юртбошимиз-

Шу зайдда сўхбату хайратини ила Самарқандга келганимизни сезмай қолибмиз. Бу вақтда тун ўз кўрпасини тўшаган бўлиб, ўзгача шукўх бахш этаётганди. Бу туннинг бағрида юлдузлар порлар, ой ёруғ нур сочар эди. Мирзо Улуғбек бобомиз нигоҳларига гувоҳ бу юлдузлар ажодларимизнинг милтиллаб турган кўз ёшларига, секин кўзёшларига айланган эди. Ана шу ою юлдузлар ёруғи остида Самарқанд-

Бадиия

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналари арафасида шоир ва ёзувчилар, олим ва санъаткорлардан иборат ижодий гуруҳларнинг мамлакат туманлари, меҳнат жамоаларидаги байрам учрашувлари кизгин давом этмоқда. Шундай ҳаяжонли учрашувлардан бири ўтган яқшанба кунини Қарши шаҳридаги офицерлар маданият саройида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюш-


лар ҳамда қизиқ хангома ва латифаларни ҳам катта қизиқиш билан қутиб олдилар. Хушовоз хонанда Аслиддин Дўстов ижросидаги она-Ватанни, муҳаббат ва меҳр-охибатни улугворчи қўшиқлар барчага манзур бўлди. Касби, Миришкор ва Нишон туманлари маҳаллалари, касб-хунар коллежлари, шунингдек, тиббиёт-санитария бирлашмалари, фермерлар, муаллимлар, қишлоқ зиёлилари даврасида мазкур ижодий гуруҳ иштирокида бўлиб ўтаётган ижодий учрашувлар ҳам ўзаро мулоқот, савол-жавоблар, шунингдек,

БАЙРАМ УЧРАШУВЛАРИ

байрам руҳидаги куй-қўшиқларга бой бўлмоқда. Ғузур ва Қарши туманларида бўлиб ўтган байрам тантаналари туман марказларидаги спорт ўйингоҳларида ташқил этилди. “Шўртан” футбол клубининг Ғузурдаги муқташам стадионидан бўлиб ўтган тантанани Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов тадбир иштирокчиларини мустақиллик байрамимиз билан самимий қутлаб, “Истиқлол манзаралари” достонидан шеърлар ўқиб берди. Шоирлар Исмоил Тўхтамишев, Хол Мухаммад Хасан ва бошқа адибу санъаткорларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Биби Робина САЙДОВА,
ЎзМУ ўзбек филологияси
факултети талабаси

ЗАХМАТКАШ АДИБ



Мухаммад Али, ўзбекистон халқ ёзувчиси

Адиб, олим ва мохир таржимон Маҳкам Маҳмудов адабиётимизнинг заҳматкаш вакиллари. Қарийб қирқ йилдан бери Маҳкамжон билан давраларда, мажлисларда, йиғинлар, адабий учрашувларда бирга иштирок этгани. Саксонинчи йилларда бир идорада — Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бирга ишлаш ҳам насиб этган. Ушунда Маҳкам Маҳмудов танқид ва адабиётшунослик бўлимининг мудир бўлиб ишлаган, кейинчалик нашриёт бош муҳаррири ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган эди. У адабий жараёнга фаол аралашар, ёшлар ижодига кўп эътибор берар, уларни қўллаб-қувватлаб мақолалар ёзар, китобларини нашрга тавсия қиларди. Унинг «Талант ва ижод фалсафаси», «Хайрат ва тафаккур», «Ахл дил», «Абадият лаҳзалари», «Мен — мен эмасман», «Мангу куй излаб» каби китоблари, «Хомер олами», «Султон Маҳмуд ва Фирдавсий», «Артур Шопенгауэр», «Поэти-

Икки оғуз адиб сўзи

ка» ва ҳозирги замон адабиёти» сингари маънавий оғуз адиблари ўқувчига маънавий озиқ бериб келмоқда.

Маҳкам Маҳмудовнинг таржимонлик фаолияти ҳам диққатга сазовор. У кўпгина қадимий юнон-рум адабиёти намуналарини ўзбекчалаштиришни яхши кўради. Таржималари адабиётимизда, фанимизда мавжуд бўлмаган ёки яхши ишланмаган соҳаларни тўлдириб хизмат қилади. Аслида шундай бўлмоғи керак, токи таржима асар чинакамгина маданий мулкимизга айлансин. У Арасту қаламига мансуб «Поэтика», «Ахлоқ қабир» каби мураккаб илмий-фалсафий асарларни ўзбекчага ўғирди. Бу асарлар дунё тафаккури хазиначисини бойитган асарлардир. «Ахлоқ қабир» асарига ҳикматлар кўп. Мана, улардан иккитаси: «Халол бўлмаган одам онгис одамдир». Бу сўзларнинг маъноси жуда ҳам теран ва ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди. «Одам ақли борлиги учун мақталмайди, балки кўнглидаги инсоф, адолат, мардлиқ каби фазилатлари учун мақталлади...»

Кишини ўйлантириб қўядиган ҳикматлар. Буюк француз адиби Оноре де Балзакнинг «Сағри тери тилсимси» романи пурмаъно фалсафий асардир. Кўп тилларга таржима қилинган бу дурдон китобда яшашнинг ҳам тотили, ҳам аччиқ экани фалсафий маънода бадиий талқин этилган. Ўзбек ўқувчилари бугун бу нодир асарни Маҳкам Маҳмудов таржимасида ўқишмоқда. Яқинда романнинг қайта нашрдан чиққани таржиманинг юқори савияда адо этилганини кўрсатиб турибди.

Нашриётда ишлаб юрган кезларида, буюк рус танқидчиси В.Г.Белинскийнинг сермазун мақолалари билан иборат тўплам тейёрлаш фикри ҳам Маҳкам Маҳмудовдан чиққан эди. Ташаббусни қўтариб чиққан киши, албатта, «жазо»сини олади, деган ақдан келиб чиқиб, бу китобни тўплаш, йиғиш, тартиб бериш, изоҳлаш, таржимонларга тарқатиш Маҳкамжоннинг ўзига топирилди. У бунга катта иштиёк билан қиршиди. Натижада буюк танқидчининг «Адабий орузлар» номли салмоқли китоби дунёга келди. Ундан «Адабий орузлар», «М.Ю.Лермонтов шеърлари», «Александр Сергеевич Пушкин

кин шеърлари» (учинчи мақола), Н.В.Гогол қиссалари ҳақидаги мақолалар жой олганди. Беғали Қосимов, Абдулла Шер, Маҳкам Маҳмудов сингари талантили ижодкор, олимлар ушбу китоб таржимаси устида тер тўқдилар.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Маҳкам Маҳмудов яхши маънода «китоб Маҳжунини», ҳеч қачон китобни қўлдан қўймайдиган ижодкордир. Кўпгина бошқа ердан топилмаган китобларни ундан сўраб олиш мумкин бўлади. Лекин Маҳкамжон китобнинг ҳамма яхши фазилатларидан кўп юзмаган ҳолда, битта ноҳуш хўлати борлигини, яъни китобни бировнинг қўлига йўқолиб қолиши осонлигини ҳамма эсдан чиқарар, берган китобини жанжаллашиб юриб қайтариб олган пайтлари бўларди. Шунга қарамай биров китоб сўраса, тарки одат амири маҳол, деганларидай, йўқ дег олмади. Бу кўнгилнинг поклиги, тўғрилигидан далолат, ҳамма эрданга қўл узатишга шай турган одамнинг тутуми. Бир аллома уйига меҳмонлар келганда, китобхонасини кўрсатиб, бу томондаги китобларни дўстларини ўғирлаб кетишган, мана бу томондаги китобларни эса ўзим ўғирлаб олиб келганман, деган экан. Бу ҳазил гап, албатта. Маҳкам Маҳмудов китобларни қидириб топади, сотиб олади, китобхонасини шундай йўл билан бойлатади.

Мен дўстимизга, сиз етти хазиначининг бири эмас, балки ҳаммасисиз, деб ҳазиллашаман. Сабаби, Маҳкамжоннинг қўл урмаган соҳаси йўқ. У шеърлар ҳам ёзган, насрда тарихий ва фантастик жанрларда унумли ижод қилган, адабиётшуносликда ўз ўрни бор, талабчан мунаққидлардан бири, таржимачиликда жуда ҳам фаол ижодкор, устозлик, ноширлик фаолияти эса алоҳида мавзу. Буларнинг бари инсонда мўъжасам ички тартиб-интизомдан, табиий эҳтиёждан келиб чиқади, албатта. Маҳкам Маҳмудовда ана шундай чанқоқлик, ижод қилишга кучли эҳтиёж мавжуддир.

Адибимиз етмишга кирдим, деб кўнглида мақтаниб юрган бўлиши мумкин, лекин бу ҳозирги давримизда кунга тўлган, илхомлар қуйилиб келадиган ўрта ёш, ҳолок.

Демак, ҳали кўп қилинадиган ишлар олдинда...

Мухаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Маълумки, Алишер Навоий зуллисонан, яъни икки тилда қалам тебратган санъаткордир. «Девони Фой» шoirнинг бутун умри давомида форсийда яратган шеърлари қулҳиёти. Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир каби XV аср маданиятининг йирик арбоблари томонидан бу қулҳиёт юксак баҳоланган эди. Афсуски, шoirнинг форс тилидаги шеърляти узок замонлар давомида тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборидан четда қолиб келди. Чет эл кутубхоналари фондида «Девони Фой»нинг мукаммал нусхалари бўлган, аммо ўрганилмаган. Мазкур девоннинг қиммати унинг жанрий ранг-баранглиги, мавзулар оламнинг кўламдорлиги, гоё ва тимсолларнинг ёрқин ва теранлигидадир. Мухими, Алишер Навоий форсий меросида ҳам ўзининг бадиий салоҳияти, бетакрор услубини кўрсата олган.

Навоийшуносликнинг «Девони Фой»ни нисбатан кенроқ текшира бошлаши мамлакатимиз кутубхона ва қўлёзма фондларида бу девоннинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Аслида улўғ шoirнинг форс тилидаги асарларига қизиқиш ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бошланган. Асл Навоий-Фойнинг қаламига мансуб «Девони Фой»ни қўлга кириштиришга муяссар бўла олмаган С.Айний услубга таяниб бошқа Фойларнинг шеърларидан Фойий-Навоий шеърларини ажратиб олишдек гоёт мураккаб ва машаққатли меҳнатга киришган эди.

Устод Айний кузатишларига кўра, «Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат марказий кутубхонасида «Девони Фой»нинг уч қўлёзма нусхаси бўлган. Бу девонлар Хоразмда китобат қилинган, уларнинг кўчирилган даври бир-бирига яқин, мундарижаси ҳам деярли айнан бир-дир. Аммо бу нусхалардаги кўпчилик шеърлар кашмирлик Мухсини Фойийники бўлиб, уларнинг орасида Алишер Навоий-Фойий шеърлари кам топилади. Девонларни мутолаа қилган айрим кишилар нусхаларнинг аввалги қисмларини Мухсини Фойийга нисбат бериб, сўнгги қисмларини Навоий номи билан қайд этиб қўйганлар. Аммо жиддий текшириш натижасида Мухсини Фойийга нисбат берилган қисмларидан Навоий газаллари ҳам борлиги маълум бўлди. Буни бир тахаллусга эга бўлган бу икки шoirнинг услуби ва ифода тарзи исбот этиди. Шунингдек, Навоийга нисбат берилган қисмларда беғона шеърлар ҳам кўлдир». Бу мулоҳазалар асосида С.Айний мавжуд девонлардаги Навоий шеърлари 1000 байтдан ортиқ эмас, деган хулосага келди ва катта заҳмат билан ажратилган шеърлардан 711 байтни «Алишер Навоий» монографиясига илова қилиб, уларни тахлил этиди.

С.Айний шу тўпلامнинг асосий қисмини ташкил этган 97 газалии монографиянинг ўнинчи бобида кенг тахлил қилиб, шoirнинг ижтимоий-сий қарашлари, санъати ва бадиий маҳорати тўғрисида назарий хулосалар ҳам чиқарган.

Абдурауф Фитрат «Девони Фой» тадқиқига жиддий киришган олимлардан биридир. Унинг 1925 йили ёзган «Навоийнинг форсий шoirлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида» мақоласи Алишер Навоий ҳақида ёзилган энг чуқур тадқиқот даражасида ўз даврида ва кейинги йилларда ҳам аҳамият касб этган. Навоийшуносликда унинг форсий адабиётнинг улкан вакили экани ҳали тадқиқ этилмаган бир пайтда нафақат Фойийнинг, балки ушбу тахаллусни қўллаган бошқа шoirларнинг ижодини ёритишда ҳам салмоқли хисса қўшган. Шoirнинг форсийда ҳам баракали ижод қилиши сабабларини Фитрат «Муҳокамат ул-луғатайн»даги маълумотлар орқали асослайди: «Навоий ўн беш яшарлиқдан қирқ яшарлиқкача форс адабиёти билан кучли суратда машғул

ИЗДАНИШ — ЭРИШМОҚ ЙЎСИ



бўлган, замонида мавжуд форс девонларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам кўпини кўрган. Мавлоно Жомийдан бошлаб, у замоннинг энг катта форс шoirларига ўз шеърларини кўрсатган...»

Бу фикрлар орқали Фитрат Навоий форс адабиётининг чуқур билимдони ва ижодкори, танқидчи ва тасхихчиси, «энг улўғ форс шoirларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форсийча жавоб ёзган уста бир санъаткор» эканлигини асослайди. Фитрат Навоийнинг кўп форсий қасидалари жавоб тарзида битилганлигини, жумладан, «Тухфат ул-афкор» қасида Хурсав Дехлавийнинг «Бахр ул-аброр» ҳамда Абдурахмон Жомийнинг «Лужат ул-асрор»ига ўхшаш тарзида ёзилганлигини таъкидлайди ва бу орқали унинг қасида навислиги маҳоратига баҳо беради. Олим мақолада «Муҳокамат ул-луғатайн»даги шoirнинг «Рух ул-қудс», «Айн ул-хаёт», «Минҳож ун-наҳот», «Кут ул-қулуб», «Фусули арба» сингари ўз қасидалари ҳақидаги маълумотларга ҳам мурожаат қилади. «Ситтаи зарурия» туркуми таркибидидаги ҳар олти қаси-

даннинг дастлабки байтларини келтириб, Навоий форсий сўз ўйинларининг ҳам устаси бўлганлигини таъкидлайди. Фитрат мазкур мақоласида Навоийга нисбат берилган шеърларнинг кўпчилиги Фойий Кашмирлига тегишли эканлигига ҳам тўхталади. Навоийнинг «форс тилида бўлган иқтидорини», форсий меросини кенг суратда ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг форс шoirларининг қайсиликдан кўпроқ таъсирланганини аниқлаб олиш, «форсийча ҳақиқий девонини ахтариш» адабиётимиз тарихи учун жуда муҳимлигини эътироф этиди. Унинг Алишер Навоий форсий меросининг бой ва сермазун эканлигини асослашга бағишланган мазкур мақоласида қарашларни ишончли маълумотлар орқали далиллаш рад этиб бўлмайдиган да-

Алишер Навоий — 570

ражада кучли. Бу Фитрат илмий услубининг асосий хусусиятидир.

Навоийнинг форсий меросига оид турли-туман фараз, тахмин ва чалқашликларга Ҳамид Сулаймоннинг кўп йиллик излашлари ва тадқиқотлари хотима берди. Олимнинг ўзи эътироф этганидек, қўлёзма манбалар («Муҳокамат ул-луғатайн», «Мақорим ул-ахлоқ», Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси, «Абушқа» луғати ва бошқалар) ва илмий тадқиқотларда (С.Айний, А.Саъдий, А.А.Семёнов, Е.Э.Бертельс ва бошқалар) ҳозиргача Навоийнинг форс тилида жуда кўп шеърлар ёзгани ва бу шеърларни «Девони Фойий» номи остида бир китобга жам қилгани ҳақидаги қисқа хабардан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдик. Ҳамид Сулаймон текширишлари мамлакатимиз китоб фондларида Навоийга мансуб «Девони Фойий» нусхаларининг йўқлигини аниқлади ва Тошкент фондларидаги «Девони Фойий», шеърларининг тахминан ярми Навоийники, деган мулоҳазаларининг асосини қўлади. Таъкидлаш жоизки, Ҳамид Сулаймон тадқиқотларига ҳам «Девони Фойий»нинг чет элда сақланаётган айрим нусхалари ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд эди. Француз олими Е.Блоше 1900 йили тузган Париждаги Миллий кутубхона фондларида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари каталогига шу кутубхонадаги «Девони Фойий»нинг икки қўлёзмаси ҳақида маълумот берган эди. Бироқ мазкур қўлёзма устида 60 йил мубойида ҳеч қандай иш олиб борилмаган. «Девони Фойий»нинг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган нусхасида ўрганилмай келинган бу нусха ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган эди. Ҳамид Сулаймон «Девони Фойий»нинг қўлёзма нусхаларини синчиклаб назардан ўтказиб, Техрон нусхаси Париж ва Туркия нусхаларига қараганда қусурли, деган хулосага келди. Унда охириги варақлар, Фойий-

Навоийнинг бир мунча шеърлари, жумладан, татаббуъ ва мухтаръаъ газаллар, «Муҳокамат ул-луғатайн»да зикр этилган 6 қасида йўқ. Тадқиқотлар Алишер Навоийнинг форсийдаги девонининг аслини аниқлади ва унинг мукаммал ҳажмини тиклади. Н.Маллаев эътироф этганидек, Ҳ.Сулаймон Навоийга тегишли «Девони Фойий»нинг асл нусхасини қўлга киритди, чет тиллардаги каталогларни текшириб, Париж, Туркия ва Техрон кутубхоналарида сақланаётган Навоий қаламига мансуб «Девони Фойий»нинг бешта қўлёзма нусхаларини синчиклаб ўрганиб, қиёслаб, ҳаммаси ҳам бир девоннинг турли нусхалари бўлиб, асосий фарқ ҳажмида эканлигини аниқлаб, уларнинг энг мукаммали Париж нусхасидир, деган хулосага келган. Бу катта заҳматнинг самараси сифатида Навоийнинг 15 жилди қулҳиётининг икки китобдан иборат бешинчи жилди кенг китобхонлар оmmasига тақдим этилди. Адабиётшуно олимлар Воҳид Абдуллаев, Ботир Валихўжаев ва Шавкат Шукроров мазкур нашрни нафақат навоийшуносликнинг муҳим ютуғи, балки маданиятимиз учун улкан бир воқеа сифатида эътироф этиб, нашрнинг ютуқ ва камчиликларини хусусида фикр билдиришган.

Хуллас, профессор Ҳ.Сулаймон савий-харакатлари натижасида Тошкент ва Душанба фондларидаги 7 та «Девони Фойий» нусхалари Навоийга алоқасиз бўлиб, улар асосан Муҳаммад Мухсин Фойий Кашмирли ва бошқа Фойий тахаллусидаги шoirлар шеърлидан тартиб этилган, Навоийга тегишли «Девони Фойий»нинг бешта ҳақиқий қўлёзмалари аниқланди, девоннинг тўлиқ варианты тикланди. «Девони Фойий»ни адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда ҳам салмоқли ишлар қилинган. Тожикистон Фанлар академияси академиги А.Мирзоев «Алишер Фойий ва Хожа Хофиз» мақоласини ёзди. Профессор Ҳамид Сулаймон «Алишер Навоийнинг форс тилида яратган поэтик мероси» тадқиқотини, Э.Шодиев эса Алишер Навоийнинг форс тилидаги асарларига ҳос хусусиятлар ҳақида тўхталди, махсус монография яратди.

Хуллас, навоийшуносликда «Девони Фойий»нинг нашри бобида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 20-асрнинг 60-йилларида мазкур қулҳиёт нотугал бўлса-да (Сайланма, Техрон (1963) ва Тошкентда (1965) нашр этилди. Шунингдек, ўша юз йилликнинг 90-йилларида, ихчам, бир сайланма (1993) Тожикистонда араб алифбосида ўқувчилар ҳужмига ҳавола қилинди. Ўзбекистонда навоийшуносликнинг улкан ютуғи сифатида Алишер Навоий йигирма жилдлиги 18 — 20-жилдлари (Тошкент, 2002 — 2003) «Девони Фойий»дан тартиб топган. «Девони Фойий» Навоий адабий меросининг асосий тадқиқот объектларидан биридир. Унинг илмий-танқидий матнини тейёрлаш юзасидан маълум бир ишлар амалга оширилмоқда. Профессор Н.Маллаев 60-йиллардаёқ «Девони Фойий»ни поэтик таржима қилиш устида иш бошлаш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу йўналишда баъзи ишлар амалга оширилган бўлса-да, девоннинг тўлиқ шеър таржимаси ўз мутаржимларини кутмоқда.

Назора БЕКОВА,
Бухоро давлат университети доценти

ЁШ ЁЗУВЧИНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Австриялик машҳур ёзувчи Франц Кафка «Милена» мактублар»ида адабиёт тарихидаги бир воқеа ҳақида ҳаяжонлиб ёзади. Воқеага кўра ҳали танилмасида муаллиф Ф.Достоевскийнинг биринчи романи «Бечора кишилар»ни ўқиган атоқли шoir Некрасов оқшом бўлишига қарамай Д.Григорович билан ёш ёзувчининг уйига боришди. «Григорович билан Некрасов отилиб ичкарига киришиб, Достоевскийни қучоқлаб ўпишди. Уни ҳали танимаган Некрасов Достоевскийни Россиянинг умиди, деб атайди, улар роман ҳақида гурунглашди ва фақат тонг олди хайрлашди. Бу оқшомнинг кейинчалик ўзининг ҳаётидаги энг бахтли оқшом, деб атаган Достоевский уларнинг ортдан деразадан қараб кузатаркан, ўзини йўқотган даражада боши осмонга етиб, кўзларга ёш олади», деб ёзади Ф.Кафка.

Жаҳон адабиёти тарихида бундай воқеалар шундай далолат берадики, ўз вақтида эътибор қаратилган, рағбат кўрсатилган талант эгаси ниҳолдан

чинорга айланганда ҳам илк маънавий далданма, мададди унутолмайди. Бундай рағбат унинг оёққа туриб олишига, ўзига ишончининг пайдо бўлишига, мустақамланишига замин яратди.

Газетанинг шу йилги 12-август сониде тенгқур ижодкорларнинг ўз тенгдошлари асарларига муносабатини ўқиб, беихтиёр юқоридаги воқеа ёдимга тушди. Эҳти- мол, адабиёт майдонига кириб келаётган ёш авлод ижодига ҳали танқидчилик назари тушмагани боис ёшлар ийманиб ўтирмай ўзлари ҳақида ўзлари ёзишни эп қўришгани тузқидир. Йигирма беш, ўттиз ёшлар атрофидаги ижодкор дастлабки қадамларни қандай қўяётганини, илк тўпламнинг ютуқ ва камчиликларини билгисига келади. Эҳтимол, танқидчи адабиётшуно олимларимиз, танқидчиларимиз ҳали уларнинг ҳикоялари, шеърлари, қиссалари жамланган баёзлар, тўпламларини варақлашга вақт топа олмаётгандирлар. Шу сабабдан бўлса

Акс-садо

керак, айрим мунаққидларнинг мақолаларида номлари саналиб, асарлари ҳақида фикр юритилган «ёш ёзувчи» ёки «ёш шoir»лар қирқ беш, эллик ёшни қоралаган бўлиб чиқади.

Албатта, бугун ижод майдонига кириб келаётган ёшлар ўзларига кўрсатилган гамхўрликлардан, яратилган шарт-шароитлардан ноли- масалар ҳам бўлади. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш, билдири- лаётган ишончли оқлаш уларнинг зиммасида. Аммо адабий ҳаётда табиий ке- чадиган авлодлар алмаш- нуви натижасида кириб ке- лаётган ёш ижодкорлар қандай янгиликларни олиб келаётди, адабиётнинг абадий мавзуларига улар- нинг ёндашуварига қандай, улар жаҳон адабиётининг қайси оқимликларни кўпроқ таъсирланаётди, қандай характер, образлари тақ- дим этаётди, асарларининг бадиий хусусиятлари қай даражада — бу каби муам- молар танқидчиликнинг эътиборида бўлиши, му- наққидлар айнаи шу савол-

лар устида бош қотириб, эртанги адабиётнинг истиқболини тахмин қилиши керак-ку.

Агар ҳозирги ёшлар адабий танқиднинг, устозларнинг эътиборига бугунги «ёш ёзувчи», «ёш шoir»лар қатори қирқ, эллик ёшда тушадиган бўлса, унда кеч бўлмайдими? Ютуғи нима- да-ю камчилиги нимадали- гини аниқ англамаган (вақ- тиде англалтирмаган) ижод- кор бу ёшга келиб суяги қотган, шу пайтгача ёзган асарлари, чиқарган китоб- лари ўртамаёналигини тушу- нмайдиган, ёзувчиликни фақат ёзишдан иборат, деб ўйлайдиган оддий қаламкашга айланиб қо- лмайдими?..

Мен тенгқурларим Фар- рух Жабборовнинг, Нурилла Чориевнинг, Зоҳиджон Оловнинг газетдаги мақо- лаларини ўқиб қувон- дим: майли-да, ҳозирча танқидчиликнинг ўрта- яш «ёшлар ижоди» билан банд экан, биз ёшлар ўзи- мизни — бир-биримиз- нинг асарларимизни ўқий- лик, тахлил қилайлик, юз- хотир қилиб ўтирмай кам- чилик ва нуқсонларимиз- ни рўй-рост айтилайлик... Ажабмас, фаол бўл- сак, тинмай излансак ўн-йи- гирма йил ўтиб мунаққид- лар назарига тушсак ва «ёш ёзувчи» сифатида эътироф этилсак.

Дилмурод СОДИКОВ

Одатда, китобхон ўзи- нинг севимли ижодкори ҳаёти, фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида кўпроқ билишни истади. Зеро, у адиб асарларидан олган таассуротларини ижодкор шахси, руҳияти билан таққослашга уринади. Аслида, ана шу таас- суротлар асар ижодкори билан ўқувчини бир-би- рига боғлаб турувчи риш- та вазифаниси ўтади.

Яқинда «Mumtoz so'z» нашриётида «Ўтқир

«ЭЛ СЕВГАН АДИБ»

(нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). Китобда таниқ- ли адиб ҳақида атоқли ёзувчи ва олимларимиз Саид Аҳмад, Озод Шарафилдинов, Пиримқул Қодиров, Матқуб Қўшонов, Эркин Воҳидов, Умарали Норматов сингари устозларнинг дил сўзлари ўрил олган. Шунингдек, серқирра адиб ижодий фа- олиятининг турли жиҳатлари мунаққид ва адаби- ётшунослар томонидан ёритилган.

Китобхоннинг маънавий дунёсини бойитиш, ди- лдини ўстириш, унинг қалби ва онига эзу туйғулар- ни сингдириш ҳар бир ижодкорнинг асл мақсад-муд- даоси. Шу маънода Ўтқир Ҳошимов: «Китобдаги қувонч ва изтиробларни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақиқий асардир», деб ёзганида ҳақ. Бу фикрни бевосита адибнинг ўз асарларига нисба- тан ҳам айтиш мумкин.

«Эл севган адиб» тўплами ўтқир Ҳошимов ижодий фаолиятининг ўзига ҳос сўрхисоиб, десак алаш- маган бўлади.

Камола БОЛТАБОЕВА



«ЭЛ СЕВГАН АДИБ»

Ҳошимов за- мондошлар наздида» ном- ли китоб чоп этилди

Чошимов за- мондошлар наздида» ном- ли китоб чоп этилди

Доимий ҳамроҳ

«ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ ВА ОБРАЗ»

Филология фанлари доктори Акбарали Сабириновнинг «Ойбек шеърлятида сўз ва образ» шу мавзуда илмий изланиш олиб бораётган тадқиқот- чи, магистр ва талабар муҳим қўлланма сифатида асқотди. Китоб «Академинаш» нашриётида чоп этилган.

Уч бобдан иборат рисолада дастлаб шoir ижодидаги сўзнинг гоёвий хусусияти, уларнинг портрет, пейзаж, поэтик тафсилат билан уй- гуниги тахлил этилган. Ойбек шеърлятида образлар хилма-хиллигига урғу берилган навбатдаги бобда сифатлаш, ўхшатиш, истиора каби бадиий санъатлардан шoirнинг моҳирона фойдалангани далилланган. Учинчи бобда эса, Ойбек шеърлятида сўзнинг поэтик хусусиятлари, оҳангдорлиги, товушлар жироси кенг ёри- тилган.

Муаллиф шoirнинг замондошлари, жа- ҳон адабиёти намояндаларининг фикрларини, уларнинг асарларидан мисоллар келти- рилди. Ойбек истеъдодининг йилдан-йилга ўсиб бorganини қоралама ва оққа кўчирил- ган қўлёзмалар ҳамда турли нашрлардаги тафовутларни қиёслаб асослайди.


А.Сабиринов рисолати Ойбекнинг бир шеъри билан якунлайди:

Дейдиларки, шеър — фақат куш тили: Маъносини туяди ҳассос қўнғиллар. Ёки у қўр қалбнинг кўз ёш томчилас, Тошларга томади ё тақар гуллар.

Бу мисралардан Ойбек шеърни қанчалик севгани, унинг «юлдуз кити- ри»дек нозик ипранни топишга интилниги ва мана шу нозиклики шеърят шайдоларига улаштига эришганини кўрамиз. «Ойбек шеър- ятида сўз ва образ» рисолатини ўқиган китобхон қўнғилда атоқли шoir ижодини яна бир бор мутолаа қилиш истаги туғилиши тайин.

Китобнинг дизайни Ойбек шеърлятига мос тарзда бежиримлик ва кўркамлик касб этган. Муқовода шoirнинг «Навоий» дostonидан келти- рилган парча, қуйида ўсиб-унаётган ниҳол сурати — турли ранглар уйғунлиги рисолатнинг мазмун-мундарижасига гоётада мос.

ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ ВА ОБРАЗ



Соҳиба МАМАДИЁРОВА,
Жаҳон тиллари университети талабаси

Халқни миллат сифатида абадиятга дахлдор этувчи белгилар, хусусиятлар, хислат ва фазилатлар кўп: тил, дин, ватан, расм-рўсм, анъана, ахлоқий, бадиий, эстетик ва маънавий қадриятлар...

Шулар орасида адабиёт ва санъат халқ дили ва тилига яқинлиги билан миллат ҳаёти, тарихи ва тақдирининг ўзига хос бадиий-эстетик инъикоси сифатида ажралиб туради. Зеро, тарихнинг ҳар қандай мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларида биринчилардан бўлиб адабиёт ва санъат аҳли уларга ўз муносабатини билдиради: гоҳ шахсий, гоҳ халқ номидан бундай тарихий бурилиш паллаларини, вазифа ва муаммоларни

қозо этарди, албатта. Бу ўринда маҳобатли ёдгорликлар алоҳида аҳамият касб этди. Замонавий обидалар тасвирий санъатсиз, рассом, нақош, қулол ва ҳайкалтарошсиз бўлиб этилмаслиги ҳамма-мизга аён. Зеро, мустақиллик шарофати билан санъатимиз тарихида янги бадиий-эстетик синтездан дарак берувчи ва абадиятга дахлдор муқаддас қадим-жолар, маҳобатли сайлгоҳларнинг вужудга келишида ана шу соҳа вақиллари ҳам-жihatликда иш олиб бордилар. Ал-Бухорий ва Ҳазрати Имом мажмуалари, "Авесто"га бағишланган ёдгорлик, Бурхониддин Марғинович, Ат-Термизий, Баҳроуддин Нақшбанд, Ал-Фарғоний каби улуг зотлар қадимжоларнинг обод этилиши меъморий, тасвирий-амалий санъатимиз тарихида бурилиш бўлди.

Мустақиллик туғайли тасвирий санъатимизда мавзу ва говий-маънавий жиҳатдан тарихий тажрибаларни миллий



А.АЛИҚУЛОВ. Юртим улуглари.

Истиқлол оқшомағи

бадиий образларда ифода этишга ҳаракат қилади. Чунки адабиёт ва санъат аҳли доимо халқ қалбидини кўнгириги бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шу жиҳатдан тасвирий санъат бошқа санъат турлари орасида табиати, тасвир ва ифода имкониятлари жиҳатидан ажралиб туради.

Ўзбекистон тасвирий санъатида мустақиллик шарофати билан янги ижтимоий-маънавий, ахлоқий-эстетик тамойиллар қарор топа бошлади. Аввало, тарих ва тарихий сиймоларга бўлган муносабат ўзгариши туғайли тасвирий санъатимизнинг мавзу чегараси кенгайди. Бу, биринчи навбатда, маҳобатли ҳайкалларда ўз ифодасини топди. Илҳом Жабборовнинг Амир Темур ҳайкали, Раҳшон Миртоҳоевнинг Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ҳайкаллари, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Беруний,

ҲАЁТНИНГ ҲАҚИҚАТИ ҲАҚИДА

фоя, миллий руҳ ҳамда эзгу ниятлар билан боғлашга, янги-янги бадиий ечимларни кашф этишга, санъатнинг замонавий синтези янги манзараларини яратиб имконияти туғилди. Натижада тасвирий санъатимизнинг бугунги тараққиёти юртимизда дизайн санъати истиқболи билан боғлиқ бўлиб қолди. Бугунги кунда

викот ва тарғибот доирасидан чиқиб, бадиий ният ва ифоданинг ажралмас қисмига айлана бошлади. Бундай рамзий образлар мустақилликимизнинг 20 йиллиги арафасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти беш биниси олдиға ўрнатилган "Учар от" композициясида ўзининг поэтик ифодасини топган. Мамлакатимиз истиқболи ва унинг тасвирий жамолини ана шу тулпордай парвозга тайёр ёш ижодкорлар яратди, деган маъно бор композицияда.

Рамзий образлар яратиш, шартли ва умумлашма лавҳаларда миллий ва бадиий меросимизни тиклаш, ривожлантириш ва уларнинг жаҳон тасвирий санъати тарихида нақадар азиз, тақорланмас эстетик қадрият эканини таъкидлаш ўтган йигирма йил давомида муайян бадиий тамойилга айланган.

Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзо, Леком Ибрагимов, Акмал Нур, Гафур Қодиров, Сергей Алибеков, Аслиддин Исаев, Ориф Мўинов ижодида хос бадиий ниятни тасвирий ранг-баранглик, жаҳон тасвирий мактаби руҳида ўз дастхотиға, индивидуал эстетик оламиға, гўзаллик идеалиға эга бўлган ҳолда умумбашарий маънавий қадрият икёсига олиб чиқиб мамлакатимиз бадиий маданияти сўнгги йилларда эришган улкан муваффақиятлардан бири бўлди.

Рассомлар ижоди жаҳон бадиий-эстетик ҳазинасидан муносиб ўрин олгани бунинг ёрқин далилидир. Москва, Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Берлин, Рим, Истанбул, Нью-Йорк, Токио ва кўплаб хорижий мамлакатларда Ўзбекистон рассомларининг асарлари намойиш этилиб, юксак баҳолини, шубҳасиз, мустақиллик шарофати туғайлидир.

Оқорида номлари келтирилган ва йигирма йил ичида улар сафига қўшилган ёшлар ижодиға хос хусусиятлардан бири ижодий эркинлик ва миллий ўзига хослик тўла намён бўлишидир. Бу даврда бадиий тафаккурда ўз миллати, Ватани, миллий қадрият ва анъаналар, бадиий-эстетик меросимиз, маънавий сарчашмаларимизни қўйлашда миллий замин ва руҳга кўчиш ҳолати оз берди. Миллий руҳ эса бир нуқтадан иккинчи нуқтаға тортилган тизгин эмас. У ҳаёт сингари, тирик одамлар сингари ҳар хил шаклда ва турли-туман бади-

ий образларда намён бўлиши мумкин. Жавлон Умарбековнинг рационал ва фалсафий полотнолари, Алишер Мирзонинг тасвирий санъатни миллий оламнинг пластик ечимиде тасаввур этиши, Леком Ибрагимовнинг замондошлар руҳиятини ўтмиш аждодлар ёди билан рамзий боғлаши, Акмал Нурнинг инсон илоҳий шуур билан ўзда ботиний ва зоҳирий муаммоларни ташувчи эканини таъкидлаши, Алишер Алиқуловнинг кўп қиёфали композицияларида Чўлпон айтгандай халқни денгиздай буюк кўч сифатида тасвирлаши фикримизға далилдир. Шунинг учун бу рассомларнинг XX ва XXI аср жаҳон санъати тарихида ўз ўрни ва мавқеи бор, дейиш мумкин.

Бу ижодкорлар дунёнинг ҳар қандай кўргазмаларида бемалол, беистисно ўз ўрниға эга ва уларнинг ҳар бири Ўзбекистон рассоми сифатида мустақиллик даври мамлакатимиз бадиий-эстетик равнақини кўз-кўз қилмоқда. Мамлакатимиз — истёвдодлар ватани. Бунга тарих ҳам, мустақиллик даври ҳам гувоҳ. Мустақиллик даврида истёвдод халқ ва Ватанининг маънавий мулки сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида ҳар йили 21-25 апрел кунлари ўтказилаётган аънавий "Тасвирий санъат ҳафталиги" ёшлар орасида бу нодир, нозик, айни чоғда мураккаб санъатта иштиёқ нақадар кучли эканидан дарак беради.

Шу ва шу каби ҳафталик, фестивал, кўрик-танловларда ижод намуналари билан қатнашиб, мутахассислар ва мухлислар эътирофиға сазовор бўлаётганлар орасида истиқлол тенгдоши бўлган Мухаббат Ёқубова, Шоиста Иноғомова, Рашидхан Алибеков, Самад Абдуллаев, Дибра Қаюмова, Дилфуза Қурёнова, Урлоб Ўяхшилик, Зилола Тулаганова каби умидли ижодкорлар бор.

Тасвирий санъат ёшларда ва тажрибали ижодкорларда ҳаётдан завқланиб, уни беминат, бетаъма ифода этиш фазилатини тарбиялайди. Шахсий тўғналар, руҳий портлашлар илҳомға тамаъсиз бўйсунмайди. Бу нарса тасвирий бадиий образларнинг ҳаққончилигида ўз аксини топади.

Йигирма йил давомида юртимизда сайёҳларнинг кўзи қамашадиган, юриб оқибдири толадиган, ҳайратдан қалблари тўлқинланадиган маҳобатли ва гўзал бинолар, иншоотлар, зиёратгоҳлар қад қўтарди. Буларнинг барчасида рассомларимиз, халқ усталарининг кўз нури, ақл чироғи, истёвдод гулхани ловуллаб турибди.

Ўзбекистон йигирма йил ичида том маънода очик осмон бағридаги нафосат ва маънавият музейиға айланган.

Тилаб МАХМУДОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

ЖАҲОН ДУРДОНАЛАРИ

Юртимизнинг кутлуг қадимжолари-дан бириға айланган Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил топганиға 18 октябрда 15 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида музейиға хорижий давлатларнинг арбоблари, расмий делегациялар, шахримиз аҳли ва пойтахтимиз меҳмонлари катта қизиқиш билан таширф буюрмоқда. Музейида ташкил этилаётган

Кўргазма запариде

ҳар бир кўргазма халқимизни, ёшларни бой тарихимизнинг сермазмун саҳифаларидан воқиф этади.

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даври Ўзбекистон тарихи саҳифаларида энг шуқуҳли ва қудратли давр ҳисобланади. Мовароуннахрни мўғул босқини исқанжасидан озод қилиб, мустақил ва ягона давлат тузган Амир Темур айни пайтда маданият, ободончилик ҳоймиси эди. Бу даврнинг маънавий-моддий маданияти инсоният тамаддунининг ёрқин саҳифаларидан бириға айланди. Илмфан, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, шеърят, мусиқа санъати фавқуллода тараққий этдики, бу мазкур даврнинг «Темурийлар Ренессанси» сифатида шуҳрат қозонишиға сабаб бўлди.

Афсуски, миллий-маданий бойликларининг талон-тороғ қилиниши турли босқинчилик, истилочилик юришлари ҳисобиде авж олди. Иқтисодий, маданий алоқалар жараёнида ҳам кўплаб маданий бойликлар беғона юртларда қилиб кетди. Натижада халқимиз меросининг бир қисми жаҳон музейлари ва кутубоналари бойлигиға айланди. Ачинарли томони шундаки, бойликларнинг ҳақиқий эгасини қайтариш жуда қийин вазифа. Миллий-маданий бойликларни олиб чиқиб кетилишининг бир қанча сабаблари бор. Айтайлик, археология, этнография ва бошқа соҳалар бўйича илмий экспедициялар ўтказиш мақсадида турли осори-атиқалар йиғиб олинган. Тўпланган осори-атиқалардан турли кўргазмалар уюштирилиб, юқори табақа вақиллари ёхуд меҳмонлар уларни сотиб олиб кетганлар. Еки хонлиқлардаги сиёсий вазият туғайли маънавий-маданий меросға эътибор сустилиги ҳам бунга сабаб бўлган. Шунингдек, совет тузуми даврида марказдан келган меҳмонларға миллий бойликлар тақдим этилган ҳамда катта миқдордаги пулға сотиб ююрилган.

Бугунги кунда юқоридаги каби турли сабабларға кўра чет элларға олиб чиқиб кетилган Темурийлар давриға оид кўлэзма асарлар, бадиий хунармандчилик буюмлари ва санъат намуналарини дунёнинг энг машхур музейи ва коллекциялариде намойиш этилиб, томошабинларни ҳайратта солмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигиға бағишланган Фанлар академи-

яси, Маънавият тарғибот маркази, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган «Жаҳон хазиналаридаги темурийлар оид жаҳоҳирлар» кўргазмасининг мақсади халқимизни, айниқса, ёш авлодини миллий меросимизға ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида миллий гурур, ифтихор туйғуларини сақлантиришдир. Хусусан, кўргазмадан Мирзо Улуғбекнинг Султон Хусайн Мирзо номи ёзилган пиёвалари нусхалари, Мироншоҳ, Гаҳоҳришодбегимнинг узук-муҳрлари нусхалари ҳамда темурийлар даври бадиий хунармандчилик буюмларининг усталаримиз томонидан ясалган нусхалари ўрин олган.

Бундан ташқари, кўргазмада жаҳоннинг йирик музейлари тарихи ва улар-




да сақланаётган темурийларға оид дурдоналар тўғрисидаги филмлар ҳам бор. Жумладан, темурийлар даври кўлэзма санъатиға бағишланган филмда жаҳоннинг йирик музейлари ва кутубоналарида темурийлар даври кўлэзма санъатини намён этувчи кўплаб ноёб манбалар ҳақидаги маълумотлар намойиш этилади. Истанбулда Хофиз Абрунинг "Мажмуа" асари, Амир Хусрав Дехлавий девони, Санкт-Петербургда Низомийнинг "Ҳамса" асари, Буюк Британияда Шарафиддин Али Яздийнинг машхур "Зафарнома"си, Бойсунгур Мирзо раҳнамолигида кўчирилган Фирдавсийнинг "Шохнома" асари, Данияда Жафар ал-Бойсуқрурий қаламиға мансуб "Насойихи Искандар" каби кўплаб асарлар шулар жумласидандир. Бу манбалар бетакорлиги, саҳифаларидаги миниатюрларнинг ноёблиги, хаттотлик санъатининг нафислиги билан дунё кўлэзма санъати ҳазинасига улгурлиқ бахш этади.

Машхур миниатюрчи рассом Камолитдин Бехзод қаламиға мансуб қатор миниатюраларда Амир Темур ва темурийлар даври бадиий-маънавий ҳаётини тараннум этувчи лавҳалар ўрин олган.

Умуман олганда, янги маълумотлар ва замонавий технологиялар асосида яратилган ушбу кўргазмаға таширф буюрган ҳар қандай томошабин Темурийлар даври маънавий-моддий маданияти нечоғли бой бўлганиға яна бир бор амин бўлади.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА, музей бош мутахассиси



И.ОТАБОВЕВ. Олидаги булуғлар.

Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор ва ҳожазо алломалар сиймоси халқимиз тарихининг озодлик, эркинлик ва истиқболға йўналган мустақиллик давридан ёдгорлик сифатида қад қўтарди.

Буюк тарихий бурилиш даври ана шундай маҳобатли ҳайкаллар, абадиятға дахлдор миллий уйғониш ва интилишнинг рамзи бўлиши керак эди ва ана шу йўлдаги бадиий изланишларға кенг йўл очилди.

Бадиий кашфиёт учун фақат шахсий лаёқат, хоҳиш қамлик қилади. Бунинг учун ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик муҳит ҳам даркор. Шу маънода Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилиши, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти алоҳида ажралиб чиқши, тасвирий санъат йўналишидаги академик лицей ва коллежларнинг фаолият бошлаши айни мудоао бўлди.

Халқимиз ҳаётдаги тарихий бурилиш бадиий-маънавий ҳаётимизда ҳам шунга монанд ўзгариш ва ислохотларни та-

миллий ҳаёт, халқ амалий санъати ва умумбашарий бадиий тақомиллар билан йўғрилган миллий дизайн намуналари хорижий мамлакатлардан келатган "оммавий маданият" ҳуружлариға қарши мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоиси фаоллик кўрсатмоқда. Институтининг дизайн факултети компютер ва интернет замонида халқни ҳақиқий миллий дизайн намуналари билан баҳраманд этишға бел боғлаган салохиятли ёшларни тарбиялаб етиштирмоқда.

Мустақиллик даврида пайдо бўлган янги услубий тамойил — бадиий тасвир ва ифодаларнинг рамзий, шартли ва поэтик қирраларининг синтетик равишда уйғунлашуви, дизайн ва компютер имкониятларининг монументал ва дастгоҳли ҳайкалтарошлиққа ҳам намён бўлиши тасвирий санъатимизнинг жаҳон андозалариға мос тарзда ривожланаётганидан дарак беради.

Дизайн оддий ва содда реклама, таш-

Бошланиши чинки саҳифада.

Бу йилги фестивал қатнашчилари фольклор, вокал, рақс ва мусиқа ансамбллари томонидан тайёрланган катта байрам дастури билан танишадилар. Гўзал миллий либослар кийган санъаткорларимиз Регистон саҳнасида ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Фестивал дастури ер юзининг юздан ортиқ мамлакатига олиб кўрсатилади.

Саҳнаға дастлаб оммавий рақс жамоалари чиқади, уларнинг ўрнини классик опера ижрочилиги усталари эгаллайди. Мумтоз ўзбек ашуллари, лапар ва ўланлар ижро этилади. Хотимада эса энг яхши миллий эстрада намуналари янграйди. Томошабинларға кўпмиллатли Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар кўшиқлари ҳам тақдим этилади. Дастур Ватанини шарафловчи ажойиб кўшиқ билан якунланади.

Куба, Мадагаскар, Сенегал ва Канададан келган фестивал қатнашчилари юртимиздан олган илк таассуротлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашди. "Бу меҳмондўст заминда илк бор бўлишимиз, — дейди улар. — Уч кундаёқ бу юртни ва унинг ҳаётсевар, хуш-

чақчақ, самимий одамларини севиб қолдик".

Фредерик Брессанд хонимни Ўзбекистонда яхши билишди. У Франқида Темурийлар даври тарихи ва мусиқий меросини ўрганиш бўйича музей ташкил этган. "Мен фестивал қатнашчилари орасида энг бахтлиси бўлсам керак, — дейди Ф.Брессанд. — Чунки мусиқий оҳангларға йўғрилган бу юртда жуда кўп бўлган. Йилдан-йилға фестивалнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши яхшиланиб борапти, ҳайрат ва томошабинларнинг артистлар дастуриға талабчанлиги ҳам ортаятти. Регистоннинг жойлашиши ва акустик имкониятлари хо-

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ШУКУҲИ

нандаларға бемалол жонли ижро имкониятини беради. Барча қатнашчиларға омад тилаймэн".

Фестивалда бир-биридан кучли жамоалар иштирок этиши кўзда тутилаётганини ҳисобға олсак, бу йил ҳайрат аъзоларига ҳам осон бўлмайди. Корейлик олим, ҳайрат аъзоси Ким Еунги ҳам ҳажжонини яширолмади: "Бу ерга келганимдан мақсад фақат қатнашчиларнинг чиқишларини баҳолаш эмас, юртингизни кўриш, миллий ашула ва рақсларингиздан баҳраманд бўлиш. Ўзбек халқининг бетакор мусиқаси ҳақида ҳамқасбим, олдинги фестивалларда ҳайратни бошқарган Мун Хунг Сукдан кўп эшитганман.

Фестивалнинг Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида ва Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий таширфи муваффақиятли якунланган кунларда ўтишида ҳам ҳикмат бор. Бунинг рамзийлиги шундаки, халқларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида янада юксалаверади".

Ҳа, бугун кўҳна замин узра жаҳон халқлари тароналари янграй бошлайди. «Шарқ тароналари» турли миллат оҳангларига ўз эшикларини очди, саҳна артистларни кутяпти!

"Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивали доирасида Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўинов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон" ва Татаристонда хизмат кўрсатган артист Чўлпон Зокирова бошчилигидаги "Қозон" рақс ансамбллари концерти бўлиб ўтди. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали доирасида ўтган мазкур концерт дастурида фестивал

тистларининг юксак касб маҳоратиға тан бердилар. "Ўзбек халқининг улуг байрами — Республика мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида машхур ўзбек рақс ансамбли жамоиси билан бирға концерт берганимиздан бениҳоя мамнунимиз, — деди Чўлпон Зокирова. — Ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларини ҳам Татаристонда катта қизиқиш билан томоша қилишлариға ишонаман".

Қодир Мўинов ансамблининг юксак профессионал маҳоратини алоҳида таъкидлади. "Қозон" жамоиси "Жаҳон халқлари рақслари" туркумини, албатта, ўзбек рақслари билан бойитишларини маълум қилишди. "Ўзбекистон" ансамбли ҳам ўз репертуариға татар рақсларидан киритишни режалаштириб қўйди.

"Қозон" ансамбли Гулистон ва Олмалик шаҳарларида ҳам концерт берди. Навбатда Самарқанд, Фарғона, Наманганда бўладиган дастурларға хозирлик кетаяпти.

Ф.ФАХРУДИНОВА


МАФТУНКОР ОЛАМ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида имконияти чекланган болаларнинг "Мафтункор ранглар олами" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ногирон ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни санъат оламиға жалб этиш мақсадида ўтказилган тадбирда юртимизнинг турли туманларидан келган ўғил-қизлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Этиборли жиҳати, яратилган асарларнинг ақсарияти истиқлол мавзусиға бағишланган. Болалар гўзал табиат манзараларини байроқ, герб каби давлатимиз рамзлари билан уйғунчиқда тасвирлашға ҳаракат қилишган.

Бу йили ўн олтинчи бор ўтказилаётган танлов бир қанча иқтидорли мўйқалам соҳибларини кашф этди. Шулардан бири — Асал Даспанова. Ёш ижодкорнинг олий ўринға лойиқ деб топилган "Ҳаёт сўкмоғи" номли асари пухта композицияси, ёрқин ранглири билан ажралиб туради. Шунингдек, Омаджан Аҳмедов, Бехзод Рўзметовнинг Ватанға муҳаббат, бунёдкорлик мавзусидаги ишлари ҳам эътиборға сазовор бўлди.

Фотима МАМАЖОНОВА



МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАСИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигиға бағишланган кўргазма очилди. Унда рассом ва усталарнинг беш юздан ортиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ, халқ амалий безак санъати асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмадан вилоятлардан қатнашаётган серкирра ижод соҳибларининг йигирма йил давомида яратган энг сара асарлари ҳам ўрин олган.

Рангтасвир экспозициясида аънавий реализмдан тортиб, авангарднинг турли оқимларига мансуб асарлар томошабинлар эътиборини жалб этади. Ўзбекистон халқ рассомлари билан бир қаторда энди санъатға кириб келаётган Тимур Раҳметов, Дилшод Эшматов, Сардор Аллаберганов, Элмурад Холиқбердиев, Феруза Эркабоева сингари ёшларнинг ишлари ҳам томошабинлар ва устара рассомлар эътирофиға сазовор бўлмоқда. Дастгоҳли рангтасвир ва китоб графикаси санъати вақилларининг ижодий изланишлари ўзига хослиги билан қувонтиради. Жумладан, Марат Содиқов, Леком Ибрагимов, Радик Азизов, Дамир Уразаев, Тимур Саъдуллаев, Флорида Гамбарова, Аслиддин Калонов, Татьяна Ли каби танқиди рассомларнинг асарларида инсон қалб кечинмалари ақс этган.

Ҳайкалтарошлиқ тасвирий санъатда ўзига хос гулдаста десак муболага бўлмас. Бу соҳада собитлик билан ижод қилаётган Тулаган Тожихўжаев, Азамат Хотамов, Жалолитдин Миртоҳиев, Қурбон Норхўрозов, Баёт Мухторов асарларида замондошларимиз ва буюк алломаларимизнинг руҳий халатлари табиий ечим топган. Бу каби маҳорат ила ишланган ҳайкалтарошлиқ композициялари томошабинларни мафтун этмоқда. Янгича изланишлар самараси кулолчилик соҳасида Назира Қўзиева ва Мохирон Мақсумованиннг ижод намуналарида ўз ифодасини топган. Халқ санъати жозибаси ёғоч ўймакорлиги усталари Ортик Файзуллаев, қулол Нарзуллаевлар сулоласи вақиллари ва Шариф Азимов ишларида ёрқин намён бўлган.

Мусиқа садолари остида ўтган кўргазма ҳақиқий байрамона тус олди. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри санъаткорларининг концерт дастури тадбирға алоҳида файз бағишлади.



А.ПОНОВ олган сурат.

Флора ФАХРУТДИНОВА

С.КОСИМОВА

«ИСТИҚЛОЛ СОЛНОМАСИ» ГОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва «Ўзбектелефилм» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида илк бор «Истиқлол солномаси» танлови эълон қилинганда хабарингиз бор. Кунги кеча пойтахтимиздаги Киночилар уйда танлов голиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тақдим этилган саксонга яқин киноасарлар тўрт номинация бўйича сараланди.

«Энг яхши анимацион филм» йўналишида «Фарҳод ва Ширин» мултифилми (сценарий муаллифи Э.Ҳасанова, режиссёр Н.Тўлаҳужаев) голибликни қўлга киритди. «Энг яхши ҳужжатли филм» йўналишида «Регистон — Самарқанд гавҳари» (сценарий муаллифи М.Тўйчиев, Қ.Ҳасанов) картинаси мукофотланди. «Энг яхши бадиий филм» йўналишида «Чавандоз» (сценарий муаллифи Ф.Шермухаммад, Х.Ҳасанов) филми рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди. Бундан ташқари, республика бўйича ўтказилган Ўзбек миллий кино санъати кунларида томошабинлар эътирофини қозонган «Кўрғошин», «Илова», «Алданган аёл», «Кечиккан ҳаёт» каби бадиий филмлар «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг махсус дипломларига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан она диёримизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, удуввор янгиликлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари ўз аксини топган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадиий-публицистик мақолалар, очерклар,

насрий ва шеърый йўналишдаги энг яхши асарлар учун танлов эълон қилган эди. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида «Ватан учун яшайлик!» танлови ҳайъати матбуот саҳифаларида эълон қилинган ва танловга тақдим этилган асарларни қўриб чиқиб, қуйидаги муаллифларни голиб деб топди.

- БИРИНЧИ МУКОФОТ: Уткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси — «Она битта, Ватан битта» публицистик китоби («Мерос» нашриёти) учун. ИККИНЧИ МУКОФОТ: Гулчехра Жўраева — «Истикбол ва иқбол эгизак экан» шеърый туркуми («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси) ва «Сени севаман, ҳаёт» китоби («Шарқ» НМАК) учун. Алиназар Эгамназаров — «Оқловдан сўнг» бадиий-публицистик китоби («Янги аср авлоди» нашриёти) учун. УЧИНЧИ МУКОФОТ: Жўра Фозил — «Қиз боланинг

- бахти» ҳикояси («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси) ва «Биз лола термаган баҳор» китоби («Бухоро» нашриёти) учун; Оллоназар Абдиев — «Ёшлик», «Шарқ юлдузи», «Амударё» журналларида босилган насрий асарлари учун; Маъфура Муҳаммедова — «Кунгил атри» бадиий-публицистик китоби («Давр-пресс» нашриёти) учун. РАҒБАТЛАНТИРУВИ МУКОФОТЛАР: Мирпўлат Мирзо — «Жаҳон адабиёти» журнали ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги туркум бадиий-публицистик асарлари учун;

- Николай Ильин — ўзбек шеърыйтидан таржималари («Звезда Востока» журнали) учун; Зилола Хўжайниёзова — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси) учун; Мунаввара Усмонова — «Ҳаёт улкан дарсхона» публицистикаси («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси) учун; Шодмонкул Салом — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган туркум шеърыйлари ва публицистик асарлари учун.

ТАРВУЗДАГИ ШИФОБАХШ МОДДАЛАР

Тарвуз биологик фаол моддаларга сероб ноёб неъмат. Унинг таркибидagi нитратларнинг ҳам, агар сиз болалик давридан ўтган бўлсангиз, албатта, зийнидан кўра фойдаси кўп. Негаки, улар юрак ва қон томирларни атеросклероз ва гипертониядан асрайди. Тарвуз еганда ич бузилиш ҳоллари эса ундаги нитратлардан эмас, балки бактерия туфайлидир. Сабаби бу неъмат тез бузилади. Шунга эҳтиёт бўлиш зарур.

Таомлардаги нитратлар, асосан, лавлагиди кўп. Тарвузнинг қалин пўсти уни нотоза нарсалардан сақлайди. Олимлар тарвуз таркибидан топган моддалар «виагра» ҳалдориси сингари таъсирга эга бўлиб, томирлардаги азот окиси миқдорини оширади. Бирок у ҳалдоридан кўрсаткич шунга қарамай бутун организмга бир текис фойдали таъсир кўрсатади. Бу цитруллин аминокислотаси билан боғлиқ бўлиб, у организмда аргинин деган бошқа аминокислотга айланади. Тажрибалар тарвуз шарбати организмда бу модда миқдорини оширишни кўрсатади. Унинг фойдалилиги шундаки, аргинин қон томирлар фаолиятини яхшилашдан ташқари, иммунитетни ҳам оширади, яраларнинг тез битиши ҳамда қондаги қанд миқдори камайишига ёрдам беради. Бордию тарвуз шарбатида қанд миқдори ҳаддан зиёд кўп бўлса, у аргининнинг шифоли хусусиятларини йўққа чиқаради.

— Тарвуз таркибиди кўп миқдорда С дармондориси ва калий мавжуд, — дейди тиббиёт фанлари доктори В. Қонишев. — Бирок тарвуз сийдик ҳайдаш хусусиятига эга бўлганидан улар сийдик орқали чиқиб кетади. Шу сабабли бу фойдали моддаларнинг қанчасини тарвуз истеъмол қилиш орқали олиш ва қанчасини чиқариб юбориш кераклиги охиригача ўрганилган йўқ. Бундан ташқари, тарвузда холестерин ва захарли моддаларнинг сўрилишига тўсқинлик қилувчи ноёб пектин моддалари ҳам мавжуд экан. Улар фақат тарвуз мағзида эмас, пўстлоғида ҳам кўп. Шу сабабли тарвуз пўстлоғидан яхшигина «цукат»лар тайёрланади. Тарвуз мағзида антиоксидантлар ва саратонга қарши таъсир кўрсатувчи ликопин моддалари сероб. Қизил рангли бу модда простата саратони ривожланишига тўсқинлик қилади. Таркибиди ликопин кўп бўлган тарвуз ва помидор истеъмол қилишни хўш кўрувчилар бошқаларга қараганда бу хасталикка 45 фоиз кам чалинадилар. Ликопин аёлларни ҳам кўкрак ва бошқа жинсий аъзолар саратонидан яхши ҳимоя қилади. Ликопин, умуман, бутун организмда ўсмавларга қарши ўзига хос ҳимоя воситаси ҳисобланади. Олимлар унинг ўпка, ошқозон ости бези, оғиз бўлими ва тери саратонига қарши тура оладиган фазилатларини аниқлашган. Ликопин А дармондориси ва бета-катротиннинг яқин «биродари» ҳисобланади. Улар каротиндошлар оиласига мансуб. Тарвуз эса, бу модда миқдори мавжудлиги жиҳатидан энг юқори ўринда туради.

Бета-каротин ва бета-криптоксантин кўпгина бирга бўлади. Улар организмда қисман А дармондорисига айланади. Қолган қисми эса, мустақил ҳаракат қилиб, бизни инфаркт, инсулт ва кўпгина саратон турлари, айниқса, ўпка саратонидан ҳимоя қилади. Лютеин ва зеаксантин яна бир ширин жуфтлик бўлиб, улар асосан, кўзни катарактадан ҳимоялаш ҳамда ёш билан боғлиқ ҳолда кўз нурунинг хиралашиши олдини олишда кўп келади. Бу хасталик даволанмаса, йиллар мобайнида кучайиб кўзга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бирок каротиндошлар таркибиди ноёб неъматлар мазкур хасталик ривожини 36 фоизга камайтиради. Шундай самарага эришиш учун кунига 1,5-2 бўлак тарвуз истеъмол қилиш kifoya. Тарвуз пийшмайдиган фаворларда эса исмалоқ, брокколи, кольраби, брюссел карами каби махсулотларни, албатта, истеъмол қилиб туриш керак.

Яқинда америкалик олимлар тарвузни қандай сақлаш кераклиги хусусида муҳим янгиликни кашф этдилар. Маълум бўлишича, тарвуз музхонада эмас, оддий хона ҳароратида сақланса, палатидан узилганидан сўнг икки ҳафта мобайнида ҳам каротин моддалари ҳосил бўлиши давом этар экан. Бунда ликопин миқдори 40 фоизга, бета-каротин эса 1,5-3 баробарга кўпаяди. Бирок тарвузни кесган захоти керагини еб, қолганини музхонага қўйишни унутманг. Шундай қилсангиз у айнимайди. Музхонадан олгач эса, совуғини кетказиб, истеъмол қилишга аҳамият беринг.

БОДРИНГ ШИФОСИ

— Бодрингнинг шифобахшлигига сабаб унинг таркибиди С, А, В1, В2, В3, В6 дармондориларнинг бутун бир мажмуи, шунингдек, кальций, темир, магний, рух ва яна кўплаб минерал моддалар мавжудлигидир, — дейди пархезшун шифокор А.Меллер. — Бу моддалар мезёр даражасида, яъни бир дона ўртача қатталиқдаги бодрингга шу дармондориларга бўлган қунийк эҳтиёжининг 9 фоизи мавжуд. Бодринг калорияси энг кам неъмат бўлгани учун дарров қоринни қапайтириб, одамни тўқ тутгандек бўлади. Шу боис, қатъий равишда пархезга амал қилувчилар учун бодринг энг идеал махсулот ҳисобланади. Уни хоҳлаганча истеъмол қилиш ва очлик сезгини тез босиш мумкин. Бирок калорияси кам бўлишига қарамай, таркибиди фойдали моддалар, антиоксидантлар кўпчилиги саломатлик учун айна мўлдоа. Бодринг таркибиди галловой, қахва, пумарин ва малла кислоталари каби ноёб моддалар мавжудлиги организмни нотўғри овқатланиш, нохуш экология, қўшнинг ўткир нури ва кам ҳаракатлик туфайли келиб чиқадиган оқсилданли зарбасидан ҳимоя қилади. Шу боис, ҳар бир таомни бодринг билан қўшиб истеъмол қилган яхши. Бирок унинг пўстини арич зарур эмас, аричдан бодрингнинг фойдали антиоксидантлари икки баробар камайд.

Биз кўпгина бодрингдан салат қиламиз. Ҳолбуки, у ҳар қандай сабзавотли таомни бойитади, шу сабабли иссиқ таом пийш-пийш деб қолганда юпка қилиб кесилган ёки бўлақланган бодринг қўшиб юборилса, таомнинг шифобахшлик хусусияти ортади. Қирғичдан чиқарилиб, саримсоқ шарбати ва туз қўшилган бодринг ҳар қандай сут-қатик махсулотини «асал»га айлантириб юборади. Иссиқ кунларда бундай ичимлик ширин йогуртдан кўра фойдалидир.

— Бодринглар бизнинг организмимизни, эҳтиمول, саратондан ҳам ҳимоя қилар, — дейди А.Миллер. — Унинг таркибиди С кунурбитидин моддаси экспериментларда ўзининг анча фаолиятини кўрсатади. У бодрингга озгина аччиқ таъм беради(еб бўлмайди) тахирликнинг бунга алоқаси йўқ). Профилактик таъсирга эга озгина аччиқ таъм ҳар қандай бодрингга бор.

«АиФ»дан.

ФАВВОРА ҚЎШИҒИ



Ёлқин ШАМСИДИНОВ (Уш) олган сурат.

Фаввора... Унинг ёнида ўзингизни худди она-табиат қўйнида юргандек ҳис қиласиз. Қулоққа шаршара шовқини, кушлар чуғур-чуғури эшитилгандай бўлади, димоққа турфа гул, гиёҳлар ифори урилади. Баҳри-дилигиз очилиб кетади. Кундалик майда ташвишларни унутасиз, шунинг баробарида руҳан юксаласиз. Қалбингиз мен ҳам шу муқаддас юрт, шу мустақил Ватан фарзандиман, деган фахру ифтихор туйғусидан кўкка буй чўзади.

Фаввора... Енгил шаббод, салқин сув тафти одамга чексиз ҳузур бахш этади. Мен фаввора ёнида нури келажак ҳақида ширин хаёлларга берилман. Осмонга отилаётган сув томчиларига термилганим сайин фикрим тинкклашиб, кўнглим равшан тортиб бораётгандай бўлаверди. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри олдидаги фаввора майдони қайта таъмирлангани кўпчиликни мамнун, хурсанд қилди. У шу атрофда ўтаётганларни ёнига қорлаб, бир фурсат тўхтаб хордиқ олишга ундайди. Пахта чаноғига монанд асосий фаввора таркибига қўшилган яна бир неча турфа шаклдаги ранго-ранг фавворалар ўхшаши йўқ гўзал манзара касб этган. Теварак кўзлари қувониб боқайтган ёш йигит-қизлар, невараларини ўйнатиб юрган кекса отахону онахонлар, хорижлик меҳмонлар билан тавжум. Уларга фаввора қўшиғи га мос равишда янграётган мусиқа садолари манзур бўлиб, ҳаёт завқига завқ қўшаётди. Тошкент хуснига узукка кўз қўйгандай

ярашган ушбу фаввора ёшлик чоғларимни ёдга солади. Ушанда мактабни тугатиб, ўқиш истагида олиёғога ҳужжат топширган эдим. Омадим чопмадимни ёки билимим савёзлик қилдимни талаба бўлиш насиб этмади. Вақтни беҳуда ўтказмай деб ҳайдоқчилик курсига қатнаиб бошладим. Уни битириш арафасида ҳарбий хизматга қақирув қозони олдим. Бахтга қарши йигитлик бурчимни Афғонистонда ўтказишимга тўғри келди. Мақсадсиз жанг жадаллар, беҳуда қон тўкишлар, буларни эсласам, ҳамон юрагим орқага тортади. Жафокеш афғон заминиди халок бўлган сафдошларим кенгаддек кўз олдимда. Танамдаги жароҳат излари ҳам ҳануз ўша муҳим кунларни эслатади.

Яратганга шукрона айтман, туз-насибам узилмаган экан, юртга соғ-омон қайтдим. Тошкентга етиб келган, Абдусаттор акам билан бирга шаҳар айландик. Навоий театри қаршидаги фаввора ёнида бирга суратга тушдик. Мана шунга ҳам ўттиз йил бўлибди, сочларимизга оқ оралаб, юзимизга ажин тушганини сезмай ҳам қолибмиз.

Истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида, албатта, ҳар биримизнинг хиссамиз бор. Санокли кунлардан кейин мустақилликка эришганимизнинг йиғирма йиллик кутлуг тўйи нишонланади. Тарихан қисқа давр ичида қадди тик ўзбек халқини ниқоблаётган қодир эканини дунёга яна бир бора исботлади. Юртимиздаги осейишталик, тўқинчилик, фаровонликка кўз тегмасин, дейман.

Абдуқаҳҳор ФАЙЗИЕВ

“ФОНД ФОРУМ ТАҚДИМ ЭТАДИ: ЎЗБЕКИСТОН”

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси хомийлигида нашр этилган «Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон» номли фототўплам тақдимоти ўтказилди. Тақдирлаш маросимида идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, юртимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус ва халқро ташиқлотлар вакиллари, фан, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашди. Мазкур тўплам йирик халқро лойиҳа асосида нашр этилган бўлиб, уни яратишда юртимиз санъаткорлари ҳамда франциялик, италиялик санъаткорлар ҳисса қўшдилар. Юртимизнинг фусункор масканлари, тарихий ва замонавий обидалари, архитектура кўринишлари, табиат ва борлиқ гўзалликлари, маданий ёдгорликлари, бой тарихий меросимиз намуналари маҳорат билан тасвирланган йирик ҳажмли бу китоб-альбомда Ўзбекистоннинг кенгаи ва бугунги кибфаси аниқ мисоллар, ёрқин суратлар орқали очиб берилган. Фотоальбомнинг яна бир қулайлиги ҳозирда суратлар остига рус, инглиз, француз тилларида изоҳлар берилгандир.

келгусида ҳам ана шундай китоб, каталог, альбомлар шаклида турли тилларда нашр этиш режалаштирилган. Тақдимотда сўзга чиққан Фанлар академияси академиги, археолог олим Э.Ртвеладзе, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирини Т.Қўзиёев, санъатшунос олим А.Ҳақимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда улмас аъёнларимиз ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга беками кўст етказиш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида амалга ошириладиган кенг миқёсдаги ишлар мазкур китоб-альбомнинг мазмун-моҳиятини ташкил этганини таъкидладилар. Агрессив ҳаробаларидан топилган нодир деворий босмалар тортиб, Бухоро худудиди қарвон изи теккан масканларгача, хивалик аёлнинг миллий либосларию тақинчоқларидан тортиб, бугунги замонавий миллий либосларимизгача ўзгача кўринишда тасвирланган. Айниқса, франциялик таниқли фотосуратчи Андрей Раунинг истиқлол йиллари манзараларини акс эттирувчи суратлари юксак маҳорати ва мафтуноклиги билан эътиборни талаб этади. Италияннинг «Grafiche Milani» нашриётида чоп этилган мазкур китоб-альбом тақдимоти Япония, Хитой, Германия, Швейцария, Испания, Австрия, Франция, Италия ва Россияда ҳам ўтказилади. Тақдимот доирасида янги китоб-фотоальбомдан ўрин олган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ш. ХИДИРОВА

“ГУЛИСТОН”

2011 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сони асосан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган. Дастлабки саҳифаларда ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг «Парвоз этавер, юртим» номли мақоласи эълон қилинган. Истиқлол йилларида қишлоқлар шаҳарлар кўркини олиб, шаҳарлар ўзгача чиroy очиб бормоқда. Шундай шаҳарлардан бири кўҳна ва навқирон Самарқанддир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими маъсул котиби Ориф Ҳожининг Самарқандга бағишланган фаҳрияси «Истиқлол шуқуҳи» руҳида берилган. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш Концепцияси»ни ўрганишга бағишланган Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси Аҳмадхон Мелибоевнинг «Маънавият — қомиллик кўзғуси» мақоласида ҳам долзарб мавзу қаламга олинган. Тарих фанлари доктори, профессор Мансур Олтиновнинг «Баланд тоғ узоқдан яхши кўринади» тадиқоти сохиқирон Амир Темур фаолиятининг айрим кирраларига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурига асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази томонидан мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб бир қатор тадибирлар ўтказилди. Паркент туманида ўзбек халқ достончилиги ижроси, Марғилонда аскиячи ва қизилчиларнинг, пойтахтимизнинг Гафур Фулом номидаги боғида миллий кўнурчоқлар фестивали, Бобур боғида ўзбек ноилари ва қандолат махсулотлари кўрик-танловлари ҳақидаги мақолалар шу тадибирлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, журналдан профессор Абдулла Умаров ва тадиқотчи Қурбонмурод Омонқуловнинг ўзбек соэларидан бири танбур ҳақидаги тадиқот-

лари, Ўзбекистон халқ ҳофизини Бекназар Дўстмуродовнинг «Катта шула — катта санъат» мақоласи, тадиқотчи Олимжон Давлатовнинг «Тағаззул кўп қадим бинодир» мақоласи, санъатшунос Уктам Тўхтаевнинг «Сержирка санъаткорлар» ёдномаси, Азамат Файзуллаевнинг «Шу юрт учун» очерклари ҳам жой олган. Журналхонлар расосон Муҳаммадийёр Тошмуродовнинг янги асарлари, Шермурод Субхоннинг буюк бастакор Моцарт ҳаёти ҳақидаги, Рўзимурод Эсоновнинг «Омад йўлиққан одам», Нигина Қодированинг «Гўзаллар, гўзаллар» мақолалари, Салим Абдураҳмоннинг «Тоғ одами» ҳикояси билан танишадилар. Яна журналдан шоир Турсун Али билан сўхбат, «Болалар саҳифаси» руҳида «Алқорларнинг чўпони», «Спорт саҳифаси»да Ангрэн шаҳридаги «Қаҳрамон» спорт клуби ҳаётидан лавҳалар, фотомуҳбир Машираб Нурибоевнинг болалар ёзи оромгоҳлари ҳаётидан фотолавҳалари ўрин олган.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Сурхондарё вилоят мусикали драма театри актери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Чоршанба Чориевга турмуш ўртоғи Муҳаббат АБДУРАҲМОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази жамоаси Бухоро вилояти «Моҳиситора» фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олиянона ХАСАНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилларимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz
Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.28

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОГУВДА НАРХИ ЭРКИН
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Аҳди — 5380 Буюртма Г — 844. Ҳақми — 5 босма табоқ.
Нашр қўрсатқичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 2 5